



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги  
Давлат тест маркази

BRITISH COUNCIL 10 YEARS WITH  
UZBEKISTAN

Ўзбекистон Республикаси олий  
таълим муассасаларига  
кириш тести

**Инглиз  
тили тестларига  
тайёрланиш учун  
ҚЎЛЛАНМА**

Бепул тарқатиш учун  
Тошкент, 2006



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маъкамаси  
хузуридаги  
Давлат тест маркази

BRITISH COUNCIL | 10 YEARS WITH UZBEKISTAN



## Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига кириш тести

### Инглиз тили тестларига тайёрланиш учун

### ҚЎЛЛАНМА



Бепул тарқатиш учун

Тошкент, 2006



## Мундарижа

1.	Лойиҳанинг вужудга келиши	4
1.1	Тестни ишлаб чиқиш жараёни	4
2.	Қўлланманинг мақсади	5
3.	Ўқиб тушуниш тести	6
3.1	Тест структурасининг умумий таърифи	6
3.2	Ўқиб тушуниш бўйича намунавий тест топшириқлари	8
3.2.1	Муқобил жавобли тест топшириқлари	11
3.2.2	Гапни тамомлаш топшириқлари	16
3.2.3	Қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар	18
3.2.4	Жадвални тўлдириш топшириқлари	19
3.2.5	Мос келадиган вариантларни топиш топшириқлари	21
3.2.6	Матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари	25
3.3	Жавоблар	27
4.	Инглиз тилини қўллай олиш (грамматика ва лексика)	28
4.1	Тест структурасининг умумий таърифи	28
4.2	Инглиз тилини қўллай олиш бўйича намунавий тест топшириқлари	30
4.2.1	Муқобил жавобли тест топшириғи	33
4.2.2	Хатоларни аниқлаш	36
4.2.3	Сўз яшаш	38
4.2.4	Матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш	39
4.2.5	Матндаги бўш жойларни тўлдириш	41
4.3	Жавоблар	43

5.	<b>Тест топшириқлари апробацияси</b>	44
5.1	Мақсад	44
5.2	Апробациялар қўлами	44
5.3	Ўқувчилардан олинган маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар	45
5.3.1	Мутахассисликлар	45
5.3.2	Апробацияда қатнашганларнинг жинси	46
5.3.3	Тестга ажратилган вақт	46
5.3.4	Матнлар	46
5.3.5	Тест турлари	47
5.3.6	Тест ҳақида умумий фикр	47
5.3.7	Таклиф этилган ўзгартиришлар	49
6.	<b>Ўқиб тушуниш ва инглиз тилини қўллай олиш тестларига оид адабиётлар</b>	50
1-илова.	<b>Атама ва тушунчалар</b>	52

## 1. Лойиҳанинг вужудга келиши

Маълумки, кириш тести олий таълим муассасида ўқимоқчи бўлган ҳар бир киши учун мажбурий қилиб белгиланган. Бу билан тест мамлакатдаги минглаб ўқувчилар ҳаётига сезиларли таъсир ўтказади. Кириш тестларини такомиллаштириш лойиҳаси Британия Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ўртасидаги қўшма лойиҳадир.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади кириш тестларининг инглиз тили бўлимини баҳолаш воситаси сифатидаги валидлиги (лаёқатлилиги) ва ишончилигини ошириш ҳамда тестларни жаҳон стандартлари даражасига қўтариш учун уларга зарур бўлган ўзгартиришларни киритишдан иборат.

Лойиҳа замонавий ва самарали тест усуллари жорий қилиш, тест тузувчилар гуруҳини ўқитиш, тест топшириқларини апробациядан ўтказиш, мактаб ва олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун семинарлар ташкил қилиш ва ушбу қўлланмани тайёрлаб чоп этишни ўз ичига олади.

### 1.1 Тестни ишлаб чиқиш жараёни

Тестни такомиллаштириш жараёни 2004 йил апрель ойида бошланди ва бугунги кунгача қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тестга бўлган муносабат ва эҳтиёжни ўрганиш мақсадида бутун мамлакат бўйича кенг қамровли тадқиқот ўтказилди. Ушбу тадқиқот бевосита кириш тести таъсири доирасида бўлган мактабларнинг битирувчи ўқувчилари, олий таълим муассасаларининг 1-курс талабалари, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим муассасаларининг инглиз тили ўқитувчилари ва тест тузувчилар ўртасида ўтказилди
- **Ўқиб тушуниш ва инглиз тилини қўллай олиш** (грамматика ва лексика) тест топшириқлари учун инглиз тилидан нима баҳоланиши лозим ва бу қандай амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги аниқ маълумотлардан иборат бўлган махсус спецификациялар ишлаб чиқилди

- Турли хилдаги замонавий ва самарали тест усулларини ўзида акс эттирувчи ўқиб тушуниш ва инглиз тилини қўллай олиш бўйича қатор тестлар яратилди
- Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида ўқиб тушуниш ва инглиз тилини қўллай олиш бўйича тест топшириқлари апробациядан ўтказилди. Ушбу апробацияларда статистик рақамлар билан боғлиқ маълумотлар билан бир қаторда ўқувчиларнинг шахсий фикр ва мулоҳазалари тўғрисидаги маълумотлар тўпланди ва таҳлил қилинди
- Апробацияларни ўтказиш бўйича йўриқномалар, тестларга нисбатан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ўрганиш учун ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сўровномалар ва ўқиб тушуниш ҳамда инглиз тилини қўллай олиш бўйича тестларни ишлаб чиқиш учун махсус кўрсатмалардан иборат бўлган ёрдамчи хужжатлар тайёрланди
- Ўрта мактаб, лицей ва олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг амалдаги кириш тестлари таркибидаги грамматикага алоқадор тест топшириқларига нисбатан муносабатлари ҳамда грамматикадан нима баҳоланиши лозимлиги тўғрисидаги уларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида махсус тадқиқот ўтказилди
- Ўзбекистон бўйича инглиз тили ўқитувчилари учун кириш тестларида баҳоланадиган қобилиятлар ва тест усулларига бағишланган таништирув семинарлари ташкил этилди

Тестни такомиллаштиришга қаратилган ушбу жараён тўхтовсиз давом этмоқда ва уни 2007 йилнинг ёз ойларигача давом этиши кўзда тутилган.

## 2. Қўлланманинг мақсади

Ушбу қўлланманинг мақсади абитуриентларга қуйидаги бандлар бўйича маълумотларни етказиб беришдан иборат:

- тестни ишлаб чиқишга асос бўлган омиллар (манتيқий асослар)
- тест спецификациялари
- кириш тестларида баҳоланиши кўзда тутилган турли малакалар

- ўқиб тушуниш бўйича намунавий тест топшириқлари
- инглиз тилини қўллай олиш (грамматика ва лексика) бўйича намунавий тест топшириқлари

Булардан ташқари ушбу қўлланма Ўзбекистон бўйича умумий ўрта мактаблар, лицейлар ва коллежларда ўтказилган апробациялар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олган. Ўқувчиларнинг янги тестларга нисбатан билдирган муносабатлари ва фикр-мулоҳазалари ҳам ушбу қўлланмадан ўрин олган.

Қўлланманинг 3-қисмида ўқиб тушуниш тестлари тўғрисида, 4-қисмида эса инглиз тилини қўллай олиш тестлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

## 3. Ўқиб тушуниш тести

### 3.1 Тест структурасининг умумий таърифи

Ўқиб тушуниш тести ёрдамида абитуриентларнинг олий таълим муассасасидаги дастурни ўзлаштира олишлари учун инглиз тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакалари қай даражада эканлиги баҳоланади. Ушбу тест турли ўқиш малакаларини аниқлашга қаратилган бир нечта топшириқлардан иборат. Ҳар бир топшириқ матн ва тахминан 1-5та тестлардан ташкил топган.

### Ўқиш малакалари

Абитуриентлар қуйидагиларни бажара олишларини намоёйиш этишлари лозим:

- Матннинг умумий ғоясини аниқлаш
- Матнда келтирилган асосий фикрларни аниқлаш
- Матнда тўғридан-тўғри ифодаланмаган фикрни аниқлаш
- Матнда келтирилган аниқ маълумотларни топиш
- Берилган контекст асосида сўз ва ибора маъносини аниқлаш/англаб олиш (лексика)

Ушбу малакалар бўйича намунавий тест топшириқлари, 3.2 да келтирилган.

## Матнлар манбаси

Энциклопедиялар, бадиий асарлар, газета ва журналлар, саёҳат брошюралари, реклама ва эълонлар, каталоглар, интернет, қўлланмалар ва дарсликлардан олинган асл ҳамда қисман ўзгартиришлар киритилган матнлардан фойдаланилади. Матнлар турли мавзуларни ўз ичига олган.

## Матнларнинг қийинлик даражаси

Матнларни танлашда уларнинг қуйидаги хусусиятлари инобатга олинади:

- матндаги гапларнинг узунлиги
- матндаги параграфлар сони
- матндаги сўзларнинг қийинлик даражаси
- матндаги грамматик структураларнинг мураккаблик даражаси
- мавзунинг тўғри келиши

## Мавзулар

Бунга кундалик воқеа-ҳодисалар ҳамда талабалар олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган қуйидаги мавзулар киради:

- одамлар/жамият: таниқли кишилар, оила, кишилар ўртасидаги муносабатлар, ҳис-туйғулар, бинолар, транспорт, кундалик ҳаёт
- хорижий мамлакатлар: қизиқарли жойлар, маданият, тарих, саёҳат
- қонун/ҳуқуқ тизими
- атроф муҳит: об-ҳаво, иқлим, муаммолар, табиат, ҳайвонот дунёси
- маданий ҳордиқ: спорт, матбуот (янгиликлар, газета мақолалари ва ҳ.к.), ҳодисалар, харид, кино ва театр, санъат ва музыка, адабиёт, хоббилар, фантастика
- табиий фанлар: кашфиётлар ва ихтиролар
- соғлиқни сақлаш
- озиқ-овқатлар
- қишлоқ хўжалиги, саноат ва иқтисодиёт
- таълим

## Тест турлари

Тестни ишлаб чиқиш учун қатор тест турларидан фойдаланилди. Буларга қуйидагилар киради:

- муқобил жавобли тест топшириқлари
- қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар
- солиштириш топшириқлари
- матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари
- гапни тўлдириш топшириқлари
- жадвални тўлдириш топшириқлари

Ушбу тест турлари намуналари 3.2 да келтирилган

## Тест натижаларини текшириш ва баҳолаш

Ҳар бир тўғри жавоб учун бир балл берилади. Ўтиш балли абитуриент ҳужжат топширган олий таълим муассасасидаги абитуриентлар сони ва режадаги талабалар ўринлари (бюджет ва контракт) га асосан аниқланади.

## 3.2 Ўқиб тушуниш бўйича намунавий тест топшириқлари

Машқ қилиб кўриш учун ушбу бўлимда бир неча турдаги ўқиб тушуниш тестларидан намуналар келтирилган. Уларни бажаришдан аввал қуйидаги маълумотларга эътиборингизни қаратинг. Бу тестларнинг моҳиятини ва уларга қандай жавоб бериш кераклигини тушунишингизга ёрдам беради.

### • Топшириқ шarti

Тест топшириғига жавоб беришдан аввал топшириқ шартини ўқиб чиқишингиз жуда муҳимдир. У топшириқни бажариш учун нима қилиш зарурлигини тушуниб олишингизга ёрдам беради. **Агар топшириқ шартини диққат билан ўқимасангиз, сиз ноўрин таваккалчиликка йўл қўйган бўласиз ва бу ўз навбатида тестга нотўғри жавоб беришингизга сабаб бўлиши мумкин.**

- **Мисол**

Ҳар бир топшириқ учун бир ёки ундан ортиқ тест саволлари ишлаб чиқилган ва кўп ҳолатларда тестларни қандай бажаришни тушуниб олишингиз учун биринчи тест саволига жавоб мисол тариқасида берилади. Топшириқни бажаришдан аввал мана шу мисолни диққат билан ўрганинг. Бу сизнинг топшириқни бажаришга бўлган қобилиятингизни етарли даражада кучайтиради.

- **Матн**

Ҳар бир топшириқ 100-200 сўздан иборат бўлган матн асосида тузилган. Матндан фойдаланишдан мақсад тест ва сизнинг жавобингизни контекст билан таъминлашдан иборат. Бу реал ҳаётдаги ўқиш жараёнини ўзида акс эттиради.

Кириш тестларига мувофиқ келишини таъминлаш мақсадида тестлар учун қўлланилган матнлар қийинлик даражаси борасида жуда эҳтиёткорлик билан танланган.

- **Саволлар**

Ўқиб тушуниш тестлари учун берилган топшириқ шартларидаги “савол” (*‘question’*) сўзи куйидаги барча тест турларига: муқобил жавобли тест топшириқлари, қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар, солиштириш топшириқлари, матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари, гапни тўлдириш топшириқлари ва жадвални тўлдириш топшириқларига тааллуқлидир

- **Жавоблар**

Тест топшириқларига жавоб бериш учун сиз қуйидагилардан бирини бажаришингиз лозим:

- ҳарфни айлана билан белгилаш – муқобил жавобли тестлар учун [3.2.1 га қаранг]
- сўз ёки сўзлар ёзиш – гап ёки жадвални тўлдириш топшириқлари, қисқа жавобни кўзда тутувчи тест топшириқлари учун [3.2.2, 3.2.3, ва 3.2.4 га қаранг]

- ҳарф ёзиш – солиштириш ва матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари учун [3.2.5 ва 3.2.6 га қаранг]

Баъзи тест топшириқларида сизнинг жавобингиз учун керак бўлмаган иккита ёки учта қўшимча муқобил жавоблар келтирилган.

- **Сўзлар сони**

Агар топшириқ шартида жавоб бериш учун чегараланган миқдордаги сўзлардан фойдаланишингиз таъкидлаб ўтилган бўлса (масалан *‘using 1-5 words’* (“1-5 та сўздан фойдаланиб”)), унда сизнинг жавобингиз 5 та сўздан ошмаслиги лозим. Агар жавоб учун 5 тадан ортиқ сўздан фойдаланган бўлсангиз, унда сизнинг жавобингиз хато ҳисобланади. Шунинг эса тутингки, сўзларни санашда ҳар бир ёзилган сўз инobatга олинади. Яъни, инглиз тилидаги *‘a’, ‘an’, ‘the’, ‘on’* каби сўзларнинг ҳар бири 1та сўз сифатида ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар сиз рақамни сўзлар билан ёзишга қарор қилган бўлсангиз, масалан *‘two thousand’*, унда *‘two thousand’* иккита сўз сифатида инobatга олинади. Рақамлар билан ёзганингизда эса, 2000 рақамига 1та сўз сифатида қаралади. Топшириқ шартида *‘using 1-5 words’* иборасини қўллашдан мақсад абитуриентларнинг жавоб бериш учун матндаги узун гапларни кўчириб ёзишларининг олдини олишдир. **Ўқиб тушуниш** тестларида бундай кўринишдаги жавобларни бериш ноўриндир.

- **Бош ҳарфлардан фойдаланиш**

Қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар, гапни тўлдириш топшириқлари, ва жадвални тўлдириш топшириқларида бош ҳарфлардан фойдаланиш шарт эмас чунки бундай топшириқлар тўлиқ гапларни талаб қилмайди.

- **Жавобларни ёзиш учун бўш жой**

Сизга қулайлик туғдириш мақсадида ушбу қўлланмадаги топшириқларда жавобни ёзишингиз учун бўш жойлар келтирилди. Кириш тестларида эса жавобларингиз учун махсус жавоблар варақаси берилади. Шу сабабли ҳақиқий

кириш тестида саволлар китобининг тузилиши бошқача кўринишда бўлиши мумкин.

Энди қуйидаги тестларни кўриб чиқишингиз мумкин:

- **тестга жавоб беришдан аввал топшириқ шартини диққат билан ўқишни ва келтирилган мисолни яхшилаб ўрганиб чиқишни унутманг.** Фақат шундан сўнггина тестга жавоб беришни бошланг!
- тестни тамомлагандан сўнг жавобларингизни 3.3 даги жавоблар билан солиштириб кўринг
- кейин эса ҳар бир топшириқдан сўнг берилган изоҳни ўқиб чиқинг. Бу сизга тўғри жавобнинг нега тўғри эканлигини ва муқобил жавобларнинг нега нотўғри эканлигини тушуниб олишингизга ёрдам беради

Сизга омад тилаймиз!

### 3.2.1 Муқобил жавобли тест топшириқлари

#### 1-мисол: Nobel Peace Prize

Муқобил жавобли тест топшириқларида саволдан кейин берилган тўртта муқобил жавоблар орасидан битта тўғри жавобни танлаб олишингиз лозим. Топшириқнинг мавзуси ва мақсади билан танишиб олиш учун аввал тестнинг саволига эътибор қаратинг. Сўнг эса матнни тезда ўқиб чиқинг, чунки бу топшириқ сиздан ҳар битта сўзнинг маъносини тушунишни эмас, балки **матннинг умумий ғоясини аниқлашни** талаб қилади. Кейин берилган тўрт муқобил жавоб орасидан битта тўғри жавобни белгиланг.

**Read the text and answer the question below. Then circle the appropriate letter (a, b, c or d) on the answer sheet.**

*Nearly 30 years ago, Wangari Maathai began a campaign to save Africa's forests by planting nine trees in her yard. On Friday, her tree-planting efforts and hard work to help the environment won her the 2004 Nobel Peace Prize. This is the first time environmental work has been honored with the Prize. Maathai is the first African woman to win the Prize since it was first awarded in 1901. In 1977, Maathai founded a group that has planted trees across Kenya and other African nations. The Green Belt Movement is the largest tree planting project*

*in Africa. Maathai started it to help the environment, empower women and fight corruption in Africa.*

Q1 What was Wangari Maathai awarded the Nobel Peace Prize for?

- a) Helping African nations to save their forests.
- b) Teaching African people to work hard.
- c) Fighting corruption in African countries.
- d) Supporting African women in politics.

**Жавоблар:** 3.3 га қаранг

#### Изоҳ

Ушбу тест саволига тўғри жавоб бериш учун сиз матннинг тўлиқ маъносини тушуниб етишингиз ва шунга асосан унинг умумий ғоясини аниқлашингиз ва кейин эса унинг берилган муқобил жавоблар орасидан қайси бирига мос келишини топишингиз лозим.

Тестдаги **b)** муқобил жавобнинг матн маъносига унчалик алоқадорлиги йўқ. Ҳолбуки *'hard work'* ибораси матнда ишлатилган бўлса ҳам, у *Wangari Maathai* нинг ўз шахсий фаолияти билан боғлиқ.

Тестдаги **c)** муқобил жавоб матндаги охириги гапга алоқадор. Бу гапда ёзилишича, *'Green Belt'* ҳаракати *Wangari Maathai* томонидан Африкада коррупцияга қарши курашиш (*'to fight corruption in Africa'*) учун бошланган. Аммо бу *Wangari Maathai* нинг Нобел мукофотини олиши учун сабаб бўлган дегани эмас.

Тестдаги **d)** муқобил жавоб ҳам матндаги охириги гапга тааллуқли. Муқобил жавобдаги *'supporting women'* ибораси матндаги *'to empower women'* ибораси билан маъно жиҳатдан деярли бир хил. Аммо **d)** муқобил жавоб **c)** муқобил жавоб сингари *Wangari Maathai* нима хизмати учун Нобел мукофотини қўлга киритган деган саволга жавоб бермайди.

**a)** муқобил жавоб – тўғри жавоб. Матндаги қуйидаги гап тўғри жавобни ўзида мужассамлаштирган: *'her tree-planting efforts and hard work to help the environment won her the 2004 Nobel Peace Prize'*. Бу гапдаги *'won her the 2004 Nobel Peace Prize'* ибораси саволдаги *'awarded the Nobel Peace Prize'* иборасига мос келади. Бундан ташқари ушбу матнда *Maathai* нинг ҳаракати ўз мамлакати

худуди билангина чегараланиб қолмаганлиги ҳақидаги маълумот келтирилган: 'a group that has planted trees across Kenya and other African nations'.

## 2-мисол: Exotic food

Муқобил жавобли тест топшириқларида саволдан кейин берилган тўртта муқобил жавоблар орасидан битта тўғри жавобни танлаб олишингиз лозим. Топшириқнинг мавзуси ва мақсади билан танишиб олиш учун аввал тестнинг саволига эътибор қаратинг. Сўнг эса матни тезда ўқиб чиқинг, чунки бу топшириқ сиздан ҳар битта сўзнинг маъносини тушунишни эмас, балки **МАТНИНГ УМУМИЙ ҲОЯСИНИ АНИҚЛАШНИ** талаб қилади. Кейин берилган тўрт муқобил жавоб орасидан битта тўғри жавобни белгиланг.

**Read the text. Then circle the appropriate letter (a, b, c or d) on the answer sheet.**

*Fifty years ago we turned our noses up at scampi, today it is an everyday food. Could the same thing happen with protein-packed termites, locusts and baby alligators?*

*Drop into any well-stocked supermarket and you will discover a range of strange and exotic foodstuffs from around the globe. And they could get ever stranger... You may soon be able to choose from such delights as Candied Cockroach, Chocolate Locust and Mealworm Chow Mien.*

*It is hard to imagine that many Brits will be rushing to fill up their shopping trolleys with this stuff, but in many parts of the world these snacks are considered healthy and tasty, along with caterpillars, flies and even wasps. In fact, in almost every continent apart from Europe, insects are eaten as a simple matter of course. And it is not just starving people resorting to bugs because they don't have the option of anything more palatable. Roll up to the very popular Fonda Don Chon restaurant in Mexico City, for example, and you'll be offered anything from cakes made from water fly eggs to clay-baked crickets.*

Q1 What is the overall idea of the text?

- a) Exotic food is sold in European supermarkets.
- b) Insects are eaten in many parts of South America.
- c) People eat bugs because they are full of proteins.
- d) Exotic food is becoming more acceptable.

**Жавоблар:** 3.3 га қаранг

## Изоҳ

**а)** муқобил жавоб. Матннинг 2-параграфидаги қуйидаги гап **а)** муқобил жавоб билан бир хил маънони беради: 'Drop into any well-stocked supermarket and you will discover a range of strange and exotic foodstuffs from around the globe'. Аммо бу жавоб матннинг умумий ғоясини ифодаламайди. У матннинг умумий ғоясини ифодалашга кўмаклашувчи маълумотнигина беради.

**б)** муқобил жавоб. 3-параграфдаги қуйидаги гап, ушбу муқобил жавобдаги фикрни тасдиқлайди: 'in almost every continent apart from Europe, insects are eaten as a simple matter of course'. Матндаги қуйидаги гап ҳам худди шу фикрни қўллаб-қувватлайди: 'Roll up to the very popular Fonda Don Chon restaurant in Mexico City'. Аммо **а)** муқобил жавоб сингари **б)** жавоб ҳам умумий ғояни ифодалашга кўмаклашувчи маълумотнигина беради. У ҳам матннинг умумий ғоясини ифодаламайди.

**с)** муқобил жавоб. 'proteins' сўзига бўлган ягона ишора ёки соғлиқ учун фойда келтирадиган хусусиятлар тўғрисидаги маълумот 1-параграфдаги 'protein-packed termites' иборасида ва 3-параграфдаги 'these snacks are considered healthy and tasty' иборасида келтирилган холос. Ушбу иборалар умумий ғояни ифодалай олмайди ва юқоридаги жавоблар сингари фақатгина кўшимча маълумот беради.

**д)** муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки у матннинг умумий ғоясини ифодалайди. Умуман олганда **а), б)** ва **с)** муқобил жавоблар матннинг умумий ғоясини қўллаб-қувватловчи маълумотларни ўз ичига олган. Матндаги бошқа гаплар, масалан 'You may soon be able to choose .....', ҳам экзотик озиқ-овқатларнинг тобора одатий ҳол бўлиб бораётгани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. Бундан ҳол бўлиб бораётгани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, **д)** муқобил жавобдаги сўзлар, матндаги умумий ғояни акс эттирувчи сўз ва иборалар билан маъно жиҳатидан яқин тарзда берилган: **д)** жавобдаги 'acceptable' сўзи матннинг 1-параграфидаги 'everyday food' ибораси билан маъно жиҳатидан яқин; **д)** жавобдаги 'is becoming' ибораси матндаги 'today' сўзи билан ҳамоҳанг.

## 3-мисол: Studying in the UK

Ушбу топшириқда, 1- ва 2-мисоллар сингари, саволдан кейин берилган тўртта муқобил жавоблар орасидан битта тўғри жавобни

танлаб олишингиз лозим. Топшириқнинг мавзуси ва мақсади билан танишиб олиш учун аввал матннинг сарлавҳасига ва тест саволига эътибор қаратинг. Сўнг матнни диққат билан шошмасдан ўқиб чиқинг, чунки бу топшириқда сиздан матнда тўғридан-тўғри ифодаланмаган фикрни аниқлаш талаб этилади.

**Read the text. Then circle the appropriate letter (a, b, c or d) on the answer sheet.**

### Studying in the UK

Seminars are small discussion groups where a number of students join their lecturer to discuss and exchange ideas on a particular topic. It may feel strange at first to hear students arguing with each other – and even with the lecturer. This is normal and acceptable behaviour in a seminar; reasoned argument, where your opinions are backed up by evidence, is what is expected. Also don't be afraid to join in discussions because you are not sure whether your English is good enough. The other students will want to hear your ideas and opinions and do not want to criticise your English grammar. Sometimes, one or more of you will be asked to prepare a paper in advance which you will then have to present to the rest of the group. The other students will then be invited to discuss and criticise your paper. This will probably be a new experience for everyone and so you will be equally nervous at first.

Q1 What do lecturers generally want their students to do at seminars?

- a) To prepare a presentation in advance
- b) To criticise the papers of other students
- c) To participate in a debate supported by facts
- d) To agree with lecturers and other students

**Жавоблар:** 3.3 га қаранг

### Изоҳ

Ушбу тест саволига тўғри жавоб бериш учун сиз матндаги баъзи иборалар маъносини тушуниб етишингиз ва уларни муқобил жавобларга солиштиришингиз лозим.

a) муқобил жавоб қисман тўғри, аммо у саволга тўлиқ жавоб бермайди. Чунки матнда айтилишича, семинар учун тақдимот

баъзида (матндаги 'sometimes' сўзи) тайёрланади, саволда эса ўқитувчи талабалардан семинарда **умуман** (саволдаги 'generally' сўзи) нима хоҳлаши ҳақида сўралган.

b) муқобил жавоб ҳам қисман тўғри, аммо бу жавоб ҳам талабаларнинг семинарда бажарадиган ишларининг бир қисмидир.

d) муқобил жавоб матннинг умумий ғоясига қарши бўлган фикрни келтиради. Матннинг иккинчи гапида, аксинча, талабаларнинг ўқитувчи ва бошқа талабалар билан баҳслашиши мумкинлиги таъкидланган.

c) муқобил жавоб – тўғри жавоб. Матндаги тўғри жавобни ўз ичига олган гап қуйидагича:

*'This is normal and acceptable behaviour in a seminar; reasoned argument, where your opinions are backed up by evidence, is what is expected.'*

Матндаги 'what is expected' ибораси саволдаги 'what lecturers want their students to do' ибораси билан бир хил маънони беради. Матндаги 'reasoned argument' ибораси c) жавобдаги 'debate' сўзи билан ва матндаги 'backed up by evidence' ибораси d) жавобдаги 'supported by facts' ибораси билан деярли бир хил.

### 3.2.2 Гапни тўлдириш топшириқлари

Ушбу турдаги топшириқларни бажариш учун бир нечта гапларни тўлдиришингиз керак бўлади. Бу топшириқ сизнинг матндаги аниқ маълумотларни топиш қобилиятингизни баҳолайди. Булар саналар, жойлар, рақамлар ва ҳоказо бўлиши мумкин. Аввал ушбу топшириқда сиздан нима қилиш талаб этилишини билиб олиш учун саволларга эътибор беринг. Кейин эса саволларга жавоб топиш учун матнни тезда ўқиб чиқинг. Қуйидаги топшириқ шартига асосан сизнинг жавобингиз **1-5та сўздан ошмаслиги** лозим. Агар жавобингиз 5та сўздан ортиқ бўлса, сиз нотўғри жавоб берган бўласиз.



Read the text and complete the sentences below using 1-5 words. There is an example at the beginning (0).

Sir Robert Peel founded the Metropolitan Police in 1829. It was headquartered in a district known as Scotland Yard. Scotland Yard originally denoted an area of Whitehall that contained many government buildings.

When Sir Robert Peel located the new Metropolitan Police in Whitehall, the correct address for the headquarters was No. 4 Whitehall Place. The police station there had an entrance from Scotland Yard proper. The press always referred to the police as Scotland Yard, until the term became synonymous with the force itself.

Scotland Yard grew rapidly in its early years. In 1829 the total force was 1,000, but a decade later it was 3,350. By 1850 it was more than 6,000, and would increase to 10,000 by 1870. The task of the Yard was extraordinary: it was to police crime in an area with a population of two and a half million people.

0 The Metropolitan Police, known as Scotland Yard, was established in 1829.

Q1 The address of the police headquarters was \_\_\_\_\_.

Q2 In 1829 the size of Scotland Yard's total force was \_\_\_\_\_.

Q3 By 1870 the police force had grown to \_\_\_\_\_.

Жавоблар: 3.3 га қаранг

Изоҳ

0 Матннинг биринчи гапида айтилишича, Sir Robert Peel полицияга 1829 йилда асос солган. Матндаги 'founded' сўзи ва саволдаги 'was established' ибораси бир хил маънони англатади. Шунинг учун тўғри жавоб – 1829.

Q1 Бу саволга жавобни матннинг 2-параграфидан топиш мумкин. Жавоб жойлашган гап қуйидагича: 'the correct address for the headquarters was No. 4 Whitehall Place'. Шунинг учун тўғри жавоб 'No 4 Whitehall Place' бўлади.

Q2 Ушбу савол сиздан 1829 йилда полициячилар сони ('size') қанча бўлганлигини, яъни ўша пайтда полицияда қанча одам ишлаганлигини матндан излаб топишни талаб қилади. Шунинг учун сиз матндаги рақамларга эътибор қаратишингиз лозим. Саволга жавобни 3-параграфдан топиш мумкин: 1000 та.

Q3 Бу савол ҳам рақамларга тааллуқлидир. 1870 йил билан алоқадор рақам эса 10 000. Шунинг учун тўғри жавоб 10 000 бўлади.

### 3.2.3 Қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар

Бундай топшириқ турида сиз бир неча саволларга жавоб беришингиз керак бўлади. Қуйидаги мисол сизнинг **матндаги аниқ маълумотни топиш** қобилиятингизни баҳолашга қаратилган, масалан, рақамлар ва жой номлари. Матнда қандай маълумотни излаш кераклигини тушуниб олиш учун аввал саволларга эътибор қаратинг. Кейин эса матнни тезда ўқиб чиқинг ва жавобларни топинг. Қуйидаги топшириқ шартига асосан сизнинг жавобингиз **1-5та сўздан ошмаслиги** лозим. Агар жавобингиз 5та сўздан ортиқ бўлса сиз нотўғри жавоб берган бўласиз.

Read the text and answer the questions using 1-5 words. There is an example at the beginning (0).

According to the Welsh linguist David Crystal, there are about 400 million people who speak English as their first language around the world. Two out of three of those people are speakers of American English. Apart from countries like Britain, Canada, Australia and the United States, there are about 70 countries, including Nigeria, Singapore and India, where English is an official language, but not the first language. There are approximately 500 million people in those countries who can speak English.

There are also people who speak English as a foreign language. These are people who learn English at school or in language academies. A few years ago, the British Council estimated that there are about 1 billion people learning English. Of those, approximately 600 million have a good enough level to communicate. That means the total number of people who speak English is about 1.5 billion, more than 25 per cent of the world's population. Curiously, in the year 1600 only 4 million people spoke English and the future of the language was in doubt.

0 For how many people is English their first language?

about 400 million

Q1 In how many countries apart from Australia, Britain, Canada and the USA is English an official language?

\_\_\_\_\_

Q2 What per cent of the world's population speak English?

\_\_\_\_\_

Жавоблар: 3.3 га қаранг

**Изоҳ**

0 Жавобни 1-параграфдаги қуйидаги гапдан топиш мумкин: 'there are about 400 million people who speak English as their first language'. Тўғри жавоб 'about 400 million' ёки '400 million'.

Q1 Бу саволга жавобни ҳам 1-параграфдан топиш мумкин: 'Apart from countries like Britain, Canada, Australia and the United States, there are about 70 countries...where English is an official language'. Шунинг учун тўғри жавоб 'about 70' ёки '70'.

Q2 Жавоб 2-параграфдаги қуйидаги гапда жойлашган: 'the total number of people who speak English is about 1.5 billion, more than 25 per cent of the world's population'. Шунинг учун тўғри жавоб қуйидагилардан бири бўлиши мумкин: : 'more than 25%', 'about 25%', 'over 25%', 'approximately 25%' or '25%'.

**3.2.4 Жадвални тўлдириш топшириқлари**

Ушбу топшириқ турида сиздан матндаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда махсус жадвални тўлдириш талаб қилинади. Қуйидаги мисолда келтирилган жадвал орқали сизнинг матндаги асосий фикрларни ва аниқ маълумотларни аниқлаш қобилиятингиз баҳоланади. Жадвалда учта устун мавжуд. Шунинг учун сиз матндан уч хилдаги маълумотни ахтаришингиз керак бўлади. Баъзи маълумотлар жадвалда берилган, баъзиларини эса сиз тўлдиришингиз лозим.

Аввал жадвални ўрганиб чиқинг. Бу сизга матндан қандай маълумотни излаб топиш кераклигини тушуниб олишингизга ёрдам беради. Қуйидаги топшириқ шартига асосан жавобингиз

1- 5та сўздан ошмаслиги лозим. Агар жавобингиз 5та сўздан ортиқ бўлса, сиз нотўғри жавоб берган бўласиз.

**Read the text and complete the table below using 1-5 words. There is an example at the beginning (0).**

*Lifestyle of an average teenager in Britain*

*This weekend an in-depth survey into the lifestyle of the modern teenager provides a remarkable insight into the everyday lives of wannabe adults.*

*The survey reveals that teenagers, whatever their image, have great ambitions. But when it comes to politics, stepping into the shoes of Tony Blair is not one of them. In fact, more than twice as many boys said they would rather be a model than become Prime minister. Girls were more worthy – opting to become doctors rather than lead their country.*

*The nation's love affair with the mobile phone is strongly in evidence. Girls send, on average, just under 12 text messages a day and the boys, who prefer to make voice calls, nearly 11. The average number of mobile phones per household with teenagers is 3.5, far more than the number of land lines.*

*When it comes to computers, 80 per cent of teenagers access the internet from home, with each home having an average of 1.69 computers. Boys are more likely to use their computers to download music and play games, while the girls emerged as more sensible, using it for email and homework. They were all more likely to download music cheaply from the internet than to go out and buy CDs.*

	<b>Jobs</b>	<b>Number of text messages per day</b>	<b>Purposes of using computers</b>
<b>Boys</b>	(0) <u>model</u>	(Q2) _____	downloading music and playing games
<b>Girls</b>	(Q1) _____	just under 12	(Q3) _____ _____

Жавоблар: 3.3 га қаранг

### Изоҳ

0 Ўғил болалар тўғрисидаги маълумот матннинг 2-параграфидан келтирилган. Тўғри жавоб қуйидаги гапда: *'In fact, more than twice as many boys said they would rather be a model than become Prime minister'*. Шунинг учун тўғри жавоб – **'model'**.

Q1 2-параграф охиридаги гапга эътибор қаратинг: *'Girls were more worthy –opting to become doctors rather than lead their country'*. Бу дегани, қизлар мамлакат етакчиси бўлишдан кўра кўпроқ врачлик касбини маъқул кўришар экан. Шунинг учун тўғри жавоб – **'doctors'**.

Q2 Жавобни матндаги қуйидаги гапдан билиб олиш мумкин: *'the boys, who prefer to make voice calls, nearly 11'*. Шунинг учун тўғри жавоб – **'nearly 11'**. Аммо **'11'** ҳам тўғри жавоб сифатида қабул қилиниши мумкин.

Q3 Жавоб матндаги қуйидаги гапда: *'Boys are more likely to use their computers to download music and play games, while the girls emerged as more sensible, using it for email and homework'*. Гапнинг иккинчи қисмида қизлар ҳақидаги маълумот келтирилган. Шунинг учун тўғри жавоб – **'e-mail and homework'**.

### 3.2.5 Солиштириш топшириқлари

#### 1-мисол: Food for Mood

Солиштириш топшириқларига жавоб бериш учун бир нечта саволларни берилган муқобил жавоблар билан солиштиришингиз талаб қилинади. Қуйидаги мисол сизнинг **матндаги асосий фикрларни билиб олиш** қобилиятингизни баҳолашга мўлжалланган. Матн маълум турдаги озиқ-овқат ва ичимликларнинг одамларга бўлган таъсири ҳақида маълумот беради.

Матндан кейинги жадвалда 3та савол ва 5та муқобил жавоб берилган. Аввал жадвалга эътибор қаратинг. Бу сизга матндан қандай маълумотни излаб топишингиз кераклигини тушуниб олишингизга ёрдам беради.

1- 5та сўздан ошмаслиги лозим. Агар жавобингиз 5та сўздан ортиқ бўлса, сиз нотўғри жавоб берган бўласиз.

**Read the text and complete the table below using 1-5 words. There is an example at the beginning (0).**

#### Lifestyle of an average teenager in Britain

*This weekend an in-depth survey into the lifestyle of the modern teenager provides a remarkable insight into the everyday lives of wannabe adults.*

*The survey reveals that teenagers, whatever their image, have great ambitions. But when it comes to politics, stepping into the shoes of Tony Blair is not one of them. In fact, more than twice as many boys said they would rather be a model than become Prime minister. Girls were more worthy – opting to become doctors rather than lead their country.*

*The nation's love affair with the mobile phone is strongly in evidence. Girls send, on average, just under 12 text messages a day and the boys, who prefer to make voice calls, nearly 11. The average number of mobile phones per household with teenagers is 3.5, far more than the number of land lines.*

*When it comes to computers, 80 per cent of teenagers access the internet from home, with each home having an average of 1.69 computers. Boys are more likely to use their computers to download music and play games, while the girls emerged as more sensible, using it for email and homework. They were all more likely to download music cheaply from the internet than to go out and buy CDs.*

	Jobs	Number of text messages per day	Purposes of using computers
Boys	(0) <u>model</u>	(Q2) _____	downloading music and playing games
Girls	(Q1) _____	just under 12	(Q3) _____ _____

Жавоблар: 3.3 га қаранг

### Изоҳ

- 0 Ўғил болалар тўғрисидаги маълумот матннинг 2-параграфида келтирилган. Тўғри жавоб қуйидаги гапда: *'In fact, more than twice as many boys said they would rather be a model than become Prime minister'*. Шунинг учун тўғри жавоб – **'model'**.
- Q1 2-параграф охиридаги гапга эътибор қаратинг: *'Girls were more worthy –opting to become doctors rather than lead their country'*. Бу дегани, қизлар мамлакат етакчиси бўлишдан кўра кўпроқ врачлик касбини маъқул кўришар экан. Шунинг учун тўғри жавоб – **'doctors'**.
- Q2 Жавобни матндаги қуйидаги гапдан билиб олиш мумкин: *'the boys, who prefer to make voice calls, nearly 11'*. Шунинг учун тўғри жавоб – **'nearly 11'**. Аммо **'11'** ҳам тўғри жавоб сифатида қабул қилиниши мумкин.
- Q3 Жавоб матндаги қуйидаги гапда: *'Boys are more likely to use their computers to download music and play games, while the girls emerged as more sensible, using it for email and homework'*. Гапнинг иккинчи қисмида қизлар ҳақидаги маълумот келтирилган. Шунинг учун тўғри жавоб – **'e-mail and homework'**.

### 3.2.5 Солиштириш топшириқлари

#### 1-мисол: Food for Mood

Солиштириш топшириқларига жавоб бериш учун бир нечта саволларни берилган муқобил жавоблар билан солиштиришингиз талаб қилинади. Қуйидаги мисол сизнинг **матндаги асосий фикрларни билиб олиш** қобилиятингизни баҳолашга мўлжалланган. Матн маълум турдаги озиқ-овқат ва ичимликларнинг одамларга бўлган таъсири ҳақида маълумот беради.

Матндан кейинги жадвалда 3та савол ва 5та муқобил жавоб берилган. Аввал жадвалга эътибор қаратинг. Бу сизга матндан қандай маълумотни излаб топишингиз кераклигини тушуниб олишингизга ёрдам беради.

*invited to sit a six-paper examination: three are on their subject, one is 'general', one is a five-language translation paper, and one is the infamous 'essay' paper. This has one question, usually around one word long.*

*Candidates who survive that are then invited to a dinner, or 'informal social test'. The traditional rumour is that they serve cherry pie, to see what you do with the stones. Those who get in receive a set of rooms, free food, and a stipend for seven years. They are encouraged to pursue research – if they wish.*

### All Souls College

0 Students taken in one year	a) six b) three
Q1 Parts of written test	c) seven
Q2 Parts of translation test	d) four
Q3 Years of study	e) two or three f) five

### Answer

0 a b c d **e** f

Жавоблар: 3.3 га қаранг

### Изоҳ

- 0 Мисол сифатида берилган савол матндаги *'it awards two or three fellowships a year'* иборасига алоқадор. *'Fellowship'* «алоҳида талабага ўқиш учун ажратиладиган пул» маъносини билдиради. Шунинг учун тўғри жавоб – **e**).
- Q1 Матндаги *'six-paper examination'* ибораси ёзма имтиҳон 6 қисмдан иборат эканлигини билдиради. Шунинг учун тўғри жавоб – **a**).
- Q2 Матндаги *'Five-language translation paper'* ибораси таржима бўйича имтиҳон материали бешта тилда тузилган бўлиб, беш қисмдан иборат деган маънони англатади. Шу сабабли тўғри жавоб – **f**).
- Q3 Жавоб қуйидаги гапда берилган: *'Those who get in receive a set of rooms, free food, and a stipend for seven years.'* Унга

кўра ўқишга қабул қилинган талабалар етти йил таълим оладилар. Шунинг учун тўғри жавоб – с).

### 3.2.6 Матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари

Ушбу топшириқ турида сиздан матндаги бўш жойларни матндан олдин келтирилган жадвалдаги муқобил жавоблардан фойдаланган ҳолда тўлдириш талаб қилинади. Қуйидаги топшириқ сизнинг **матнда тўғридан-тўғри ифодаланмаган фикрни ҳамда сўз ва ибора маъносини контекстдан тушуниб олиш** қобилиятингизни баҳолашга мўлжалланган. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг ва ҳар бир бўш жой учун жадвалдаги қайси муқобил жавоб мос келишини аниқланг. Бунда асосий эътиборни контекстга қаратинг, яъни бўш жой қолдирилган гапнинг маъноси сизга тўғри муқобилни танлашга асос бўлиши лозим. Жадвалдаги ҳар бир муқобил фақат бир марта ишлатилади.

**Read the text and fill the gaps with the words from the box. There are more words than you need. There is an example at the beginning (0).**

a) 1926	b) 1936	c) American history	d) Atlanta
e) bestseller	f) the Civil War	g) European literature	h) player

Margaret Mitchell was born in (0) d, Georgia, the daughter of an attorney who was president of the Atlanta Historical Society. All the family were interested in (Q1) \_\_\_\_\_ and she grew up in an atmosphere of stories about (Q2) \_\_\_\_\_. Educated at Washington Seminary and Smith College, Massachusetts, she worked for a time on the Atlanta Journal. In 1925 she married John Marsh and in the following ten years she put on paper all the stories she had heard about the Civil War. The result was *Gone With the Wind*, first published in (Q3) \_\_\_\_\_. It won the Pulitzer Prize, sold over ten million copies, was translated into eleven languages and was later made into a highly successful film starring Vivien Leigh, Clark Gable

and Leslie Howard. This book, a record (Q4) \_\_\_\_\_, was her only published work. She died in 1949.

**Жавоблар:** 3.3 га қаранг.

#### Изоҳ

- 0 Қоида бўйича матндаги 'Georgia' (штатнинг номи) сўзидан олдин маълум бир жойнинг номи келиши керак. Аслида 'in' предлогидан кейин '1926' ва '1936' каби йилларни ҳам кўйса бўлади. Аммо бу контекстда йиллардан сўнг штат номини ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун – d) тўғри жавоб.
- Q1 Ушбу саволга жавоб бўла оладиган учта муқобил мавжуд: 'American history', 'the Civil War' ва 'European literature'. Матндаги маълумотга кўра Маргарет Митчеллнинг отаси Атланта Тарих Жамиятининг президенти бўлган: 'president of the Atlanta Historical Society'. Шундай экан, табиийки, оиладагилар Америка тарихи билан қизиқишган. Шунинг учун тўғри жавоб с) бўлади: 'American history'. 'The Civil War' ҳам тўғри жавобдек туюлиши мумкин, аммо гражданлар уруши Америка тарихидаги бир воқеа холос. Шу сабабли у тўғри жавоб бўла олмайди.
- Q2 Қоида бўйича 'stories about' иборасидан кейин фақатгина от ёки от кўринишидаги ибора келиши мумкин. Ушбу саволга жавоб бўла оладиган муқобиллар қуйидагилар: 'bestseller', 'player', 'the Civil War' ва 'European literature'. Биринчи ва иккинчи муқобиллар ('bestseller' ва 'player') бирликда келган саналадиган отлар. Бундай отлар эса аниқловчи, яъни артикльсиз ишлатилмайди. Бундан ташқари улар g) муқобил сингари маъно жиҳатдан жавоб бўла олмайди. f) муқобил жавоб эса гапнинг биринчи қисмидаги фикрни давом эттиради ва шунинг учун тўғри жавоб бўла олади.
- Q3 Маълумки, 'first published in' иборасидан кейин албатта қандайдир сана келиши керак. Муқобиллар орасида эса иккита сана мавжуд: '1926' and '1936'. Матнда ёзилишича, Маргарет Митчелл 1925 йилда турмушга чиққан ва кейинги 10 йилни Гражданлар уруши ҳақидаги хикояларни ёзишга бағишлаган. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, унинг китоби 1926 йилда чоп этилмаган. Шунинг учун тўғри жавоб – b).
- Q4 Жадвалда 'record' сўзидан кейин ишлатилиши мумкин бўлган иккита муқобил мавжуд: 'bestseller' ва 'player'. 'Player'

сўзи бу контекстга маъно жиҳатдан тўғри келмайди. Чунки 'record player' бу музыка ва овоз эшитиш учун мўлжалланган аппарат (магнитофон). 'Record bestseller' ибораси эса чоп этилгандан сўнг ҳаддан ташқари кўп нусхаси сотилган китобларни таърифлаш учун ишлатилади. Шунинг учун тўғри жавоб – e).

### 3.3 Жавоблар

#### 3.3.1 Муқобил жавобли тест топшириқлари

Nobel Peace Prize Q1 a  
Exotic food Q1 d  
Studying in the UK Q1 c

#### 3.3.2 Гапни тўлдириш топшириқлари

Scotland Yard  
Q1 No 4 Whitehall Place Q2 1,000 Q3 10,000

#### 3.3.3 Қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар

The English language  
Q1 (in) (about) 70  
Q2 more than 25%, about 25%, over 25%, approximately 25% / 25%

#### 3.3.4 Жадвални тўлдириш топшириқлари

Lifestyle of a teenager  
Q1 doctors Q2 nearly 11/ 11 Q3 email and homework

#### 3.3.5 Солиштириш топшириқлари

Food for mood  
Q1 f Q2 e Q3 a

All Souls college  
Q1 a Q2 f Q3 c

#### 3.3.6 Матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган

муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари  
Margaret Mitchell  
Q1 c Q2 f Q3 b Q4 e

## 4. Инглиз тилини қўллай олиш (грамматика ва лексика)

### 4.1 Тест структурасининг умумий таърифи

Инглиз тилини қўллай олиш (грамматика ва лексика) тести ёрдамида абитуриентларнинг олий таълим муассасасидаги дастурни қай даражада ўзлаштира олишлари баҳоланади. Ушбу тест матн асосида тузилган бир нечта топшириқлардан иборат бўлади. Матнлардан тест топшириқларига асос сифатида фойдаланилган, чунки замонавий инглиз тилини қўллай олиш тестлари ёрдамида сизнинг инглиз тилидан нимани билишингизни эмас, балки уни қўллай олиш-олмаслингизни баҳолашни мақсад қилиб олганмиз. Ушбу бўлимдаги тестларга ўқиб тушуниш бўлими учун ишлатилган матнлардан кўра анча осонроқ матнлар танланган. Чунки бу ерда асосий эътибор матнга эмас балки тест топширигининг ўзига қаратилган, яъни унинг структурасига, сўзларига ва ҳоказо. Матн бу тестда фақат топшириқ мақсадига мос келувчи контекстни таъминлаб бериш учун хизмат қилади.

Абитуриентлар қуйидагиларни хатосиз қўллай олишларини намоиш қилишлари лозим:

- **артикллар**
- **отлар**: саналадиган/саналмайдиган, бирликда ва кўпликда, қўшма отлар
- **олмошлар**: кишилиқ олмошлари – субъект ва объект, 'it' нинг формал эга сифатида қўлланиши; эгалик сифатлари ва эгалик олмошлари; ноаниқ олмошлар [+ сифат ёки инфинитив; + else]
- **сон**: миқдорни англатувчи сўзлар (quantifiers) [some, any, a lot of, much, many, [a] few, [a] little], рақамлар, айирув олмошлари [both, all, half, every, each], саналар
- **сифат/қиёсий структуралар** [масалан: Easier said than done]
- **равишлар**
- **феъллар**: замонлар ва келаси замонни ифодалаш усуллари; пассив ва каузатив; буйруқ майли; замонлар мослашуви; 'have' феълнинг "эга бўлмоқ" дан бошқа маънолари; модал феъллар; қўшма феъллар [масалан: to put on]; бир неча сўздан ташкил топган феъли бирикмалар [масалан: to be of use]; герундий, инфинитив, ҳозирги замон ва ўтган замон сифатдоши

- саволлар, жавоблар, инкор шакллари
- оддий, қўшма ва эргашган қўшма гаплар [бунга шарт эргаш гаплар ҳам киради]
- предлоглар ва боғловчилар/боғловчи воситалар(сўзлар) [масалан: so that]
- лексика [қуйида келтирилган мавзуларга оид]
- турғун бирикмалар [in fact, by the way, on the other hand ва ҳоказо].

### Матн манбалари

Энциклопедиялар, бадиий асарлар, газета ва журналлар, саёҳат брошюралари, реклама ва эълонлар, каталоглар, интернет, қўлланмалар ва дарсликлардан олинган асл ва қисман ўзгартиришлар киритилган матнлардан фойдаланилган. Матнлар турли мавзуларни ўз ичига олган.

### Матнларнинг қийинлик даражаси

Инглиз тилини қўллай олиш (грамматика ва лексика) тест топшириқлари учун танланган матнлар ўқиб тушуниш тестларидан кўра анча осонроқдир. Чунки бу ерда асосий эътибор топшириқларга қаратилган, матнга эмас.

### Мавзулар

Бунга кундалик воқеа-ҳодисалар ҳамда талабалар олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган қуйидаги мавзулар киради:

- одамлар/жамият: таниқли кишилар, оила, кишилар ўртасидаги муносабатлар, ҳис-туйғулар, бинолар, транспорт, кундалик ҳаёт
- хорижий мамлакатлар: қизиқарли жойлар, маданият, тарих, саёҳат
- қонун/ҳуқуқ тизими
- атроф муҳит: об-ҳаво, иқлим, муаммолар, табиат, ҳайвонот дунёси
- маданий ҳордиқ: спорт, матбуот (янгиликлар, газета мақолалари ва ҳ.к.), ҳодисалар, харид, кино ва театр, санъат ва музыка, адабиёт, хоббилар, фантастика
- табиий фанлар: кашфиётлар ва ихтиролар, соғлиқни сақлаш
- озиқ-овқатлар

- қишлоқ хўжалиги, саноат ва иқтисодиёт
- таълим

### Тест турлари

Тестни ишлаб чиқиш учун қатор тест турларидан фойдаланилди. Буларга қуйидагилар киради:

- муқобил жавобли тест топшириқлари
- хатоларни аниқлаш
- сўз тузиш
- матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш
- матндаги бўш жойларни тўлдириш

### Тест натижаларини текшириш ва баҳолаш

Ҳар бир тўғри жавоб учун бир балл берилади. Ўтиш балли абитуриент ҳужжат топширган олий таълим муассасасидаги абитуриентлар сони ва режадаги талабалар ўринлари (бюджет ва контракт) га асосан аниқланади.

### 4.2 Инглиз тилини қўллай олиш бўйича намунавий тест топшириқлари

Машқ қилиб кўришингиз учун ушбу бўлимда бир нечта турдаги инглиз тилини қўллай олиш тестларидан намуналар келтирилган. Уларни бажаришдан аввал қуйидаги маълумотларга эътиборингизни қаратинг. Бу тестларнинг моҳиятини ва уларга қандай жавоб бериш кераклигини тушунишингизга ёрдам беради.

#### • Топшириқ шартлари

Тест топшириғига жавоб беришдан аввал топшириқ шартини ўқиб чиқишингиз жуда муҳимдир. У топшириқни бажариш учун нима қилиш зарурлигини тушуниб олишингизга ёрдам беради. **Агар топшириқ шартини диққат билан ўқимасангиз, сиз ноўрин таваккалчиликка йўл қўйган бўласиз ва бу ўз навбатида тестга нотўғри жавоб беришингизга сабаб бўлади.**

### • Мисол

Ҳар бир тест матни учун бир ёки ундан ортиқ тест саволлари ишлаб чиқилган ва кўп ҳолатларда тестларни қандай бажаришни тушуниб олишингиз учун биринчи тест топшириғи мисол тариқасида берилади. Топшириқни бажаришдан аввал мана шу мисолни диққат билан ўрганинг. Бу сизнинг топшириқни бажаришга бўлган қобилиятингизни етарли даражада кучайтиради.

### • Матн

Ҳар бир тест топшириғи 80-120 сўздан иборат бўлган матн асосида тузилган. Матндан фойдаланишдан мақсад тест ва сизнинг жавобингизни контекст билан таъминлашдан иборат.

Кириш тестларига мувофиқ келишини таъминлаш мақсадида тестлар учун қўлланилган матнлар қийинлик даражаси борасида жуда эҳтиёткорлик билан танланган. Мавзулар турли манбалардан олинган ва ҳар хил соҳаларни ўз ичига олади (юқоридаги 4.1 га қаранг).

### • Саволлар

Инглиз тилини қўллай олиш тестлари учун берилган топшириқ шартларидаги “савол” (*‘question’*) сўзи қуйидаги барча тест турларига тааллуқлидир: муқобил жавобли тест топшириқлари, хатоларни аниқлаш, сўз ясаш, матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш ва матндаги бўш жойларни тўлдириш.

### • Жавоблар

Тест топшириқларига жавоб бериш учун сиз қуйидагилардан бирини бажаришингиз лозим:

- муқобил жавобли тестлар учун **ҳарфни айлана билан белгилаш**
- матндаги бўш жойларни тўлдириш, хатоларни аниқлаш ва сўз ясаш топшириқлари учун **сўз ёзиш**

- Q3 a) forget    b) forgotten    c) forgot    d) to forget  
Q4 a) on        b) to            c) by        d) out  
Q5 a) under    b) at            c) for        d) from

**Жавоблар:** 4.3 га қаранг

### Изоҳ

Q 0 Ушбу топшириқда гапнинг икки қисмини бир-бирига мантиқан боғлаш учун бизга ‘due to the fact’ ибораси ёки ‘because’ сўзи билан бир хил маъно берадиган сўз керак бўлади. Берилган тўрт муқобил жавобдан эса ушбу контекстга фақат ‘since’ сўзи тўғри келади, чунки у бу ерда сабабни кўрсатиш вазифасини бажармоқда. Шу сабабли тўғри жавоб – а).

Q1 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз ‘present perfect’ замонида ‘to have’ феълнинг қандай шакли ишлатилишини билишингиз керак.

а) муқобил жавоб нотўғри, чунки ‘to have’ сўзи бирликда келган ва шунинг учун феълнинг ‘have’ формаси ишлатилмайди.

б) ва д) муқобил жавоблар ҳам нотўғри, чунки улар феълнинг ‘non-finite’ шаклида келган ва шу сабабли ‘present perfect’ замонида ишлатилмайди.

с) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки ‘to have’ сўзи ‘present perfect’ замонининг учинчи шахс бирлик шаклини талаб қилади, яъни ‘has’ сўзини.

Q2 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз турли предлоглардан қандай фойдаланишни билишингиз керак бўлади.

а) муқобил жавоб нотўғри, чунки ‘over’ предлоги асосан маълум бир давр мобайнидаги жараён билан ишлатилади, аниқ бир вақтни кўрсатиш учун эмас. Шу сабабли ушбу контекстда бу предлог ‘20<sup>th</sup> century’ ибораси билан ишлатилмайди.

б) муқобил жавоб ҳам нотўғри, чунки ‘on’ предлоги фақат қуйидаги саналар билан ишлатилади: ‘on the 20<sup>th</sup> of January’ ва ҳафта кунлари, масалан ‘on Wednesday’. ‘on’ предлоги ‘century’ сўзи билан ишлатилмайди.

с) муқобил жавоб нотўғри, чунки 'at' предлоги ҳам вақтни кўрсатиш учун фақат махсус ҳолатларда ишлатилади: масалан 'at Christmas', 'at night'. У ҳам 'century' сўзи билан ишлатилмайди.

д) муқобил жавоб тўғри жавоб, чунки у иккита отни ('finds' ва '20<sup>th</sup> century') бир-бирига боғлаб турибди ва иккинчи от биринчи от ҳақида тўлароқ маълумот бермоқда. Бу билан эса иккинчи от янада аниқроқ ифодаланмоқда, яъни қандайдир бир "топилма" ('finds') эмас, балки маълум бир вақтда топилган топилма ('finds of the 20<sup>th</sup> century').

Q3 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз узоқ ўтган замон мажхул нисбатда (past perfect passive) феълнинг қандай шакли ишлатилишини билишингиз керак бўлади.

б) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки узоқ ўтган замон мажхул нисбат (past perfect passive) учун 'forget' феълнинг ўтган замон сифатдоши (past participle) шакли ишлатилади, яъни 'forgotten' сўзи.

а) муқобил жавоб нотўғри, чунки у оддий ҳозирги замонда (present simple).

с) муқобил жавоб нотўғри, чунки у оддий ўтган замонда (simple past).

д) муқобил жавоб ҳам нотўғри, чунки у инфинитив шаклида.

Q4 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз турли предлоглардан қандай фойдаланишни билишингиз керак бўлади.

с) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки гапда пассив структура (passive construction) ишлатилганда ҳаракатни ким томонидан бажарилганлигини кўрсатиш учун 'by' предлоги ишлатилади. Бу ерда 'by' предлоги 'a later dynasty' томонидан бажарилган ҳаракатни кўрсатиш учун ишлатилган.

а) ва д) муқобил жавоблар нотўғри, чунки улар 'a later dynasty' ибораси билан ишлатилмайди.

б) муқобил жавоб эса маъно жиҳатдан контекстга мос тушмайди ва 'to erase' феъли билан бирга ишлатилмайди.

Q3 a) forget b) forgotten c) forgot d) to forget  
Q4 a) on b) to c) by d) out  
Q5 a) under b) at c) for d) from

Жавоблар: 4.3 га қаранг

#### Изоҳ

0 Ушбу топшириқда гапнинг икки қисмини бир-бирига мантиқан боғлаш учун бизга 'due to the fact' ибораси ёки 'because' сўзи билан бир хил маъно берадиган сўз керак бўлади. Берилган тўрт муқобил жавобдан эса ушбу контекстга фақат 'since' сўзи тўғри келади, чунки у бу ерда сабабни кўрсатиш вазифасини бажармоқда. Шу сабабли тўғри жавоб – а).

Q1 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз 'present perfect' замонида 'to have' феълнинг қандай шакли ишлатилишини билишингиз керак.

а) муқобил жавоб нотўғри, чунки 'tomb' сўзи бирликда келган ва шунинг учун феълнинг 'have' формаси ишлатилмайди.

б) ва д) муқобил жавоблар ҳам нотўғри, чунки улар феълнинг 'non-finite' шаклида келган ва шу сабабли 'present perfect' замонида ишлатилмайди.

с) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки 'tomb' сўзи 'present perfect' замонининг учинчи шахс бирлик шаклини талаб қилади, яъни 'has' сўзини.

Q2 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз турли предлоглардан қандай фойдаланишни билишингиз керак бўлади.

а) муқобил жавоб нотўғри, чунки 'over' предлоги асосан маълум бир давр мобайнидаги жараён билан ишлатилади, аниқ бир вақтни кўрсатиш учун эмас. Шу сабабли ушбу контекстда бу предлог '20<sup>th</sup> century' ибораси билан ишлатилмайди.

б) муқобил жавоб ҳам нотўғри, чунки 'on' предлоги фақат куйидаги саналар билан ишлатилади: 'on the 20<sup>th</sup> of January' ва ҳафта кунлари, масалан 'on Wednesday'. 'on' предлоги 'century' сўзи билан ишлатилмайди.

с) муқобил жавоб нотўғри, чунки 'at' предлоги ҳам вақтни кўрсатиш учун фақат махсус ҳолатларда ишлатилади: масалан 'at Christmas', 'at night'. У ҳам 'century' сўзи билан ишлатилмайди.

d) муқобил жавоб тўғри жавоб, чунки у иккита отни ('finds' ва '20<sup>th</sup> century') бир-бирига боғлаб турибди ва иккинчи от биринчи от ҳақида тўлароқ маълумот бермоқда. Бу билан эса иккинчи от янада аниқроқ ифодаланмоқда, яъни қандайдир бир "топилма" ('finds') эмас, балки маълум бир вақтда топилган топилма ('finds of the 20<sup>th</sup> century').

Q3 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз узоқ ўтган замон мажхул нисбатда (past perfect passive) феълнинг қандай шакли ишлатилишини билишингиз керак бўлади.

b) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки узоқ ўтган замон мажхул нисбат (past perfect passive) учун 'forget' феълнинг ўтган замон сифатдоши (past participle) шакли ишлатилади, яъни 'forgotten' сўзи.

a) муқобил жавоб нотўғри, чунки у оддий ҳозирги замонда (present simple).

c) муқобил жавоб нотўғри, чунки у оддий ўтган замонда (simple past).

d) муқобил жавоб ҳам нотўғри, чунки у инфинитив шаклида.

Q4 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз турли предлоглардан қандай фойдаланишни билишингиз керак бўлади.

с) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки гапда пассив структура (passive construction) ишлатилганда ҳаракатни ким томонидан бажарилганлигини кўрсатиш учун 'by' предлоги ишлатилади. Бу ерда 'by' предлоги 'a later dynasty' томонидан бажарилган ҳаракатни кўрсатиш учун ишлатилган.

a) ва d) муқобил жавоблар нотўғри, чунки улар 'a later dynasty' ибораси билан ишлатилмайди.

b) муқобил жавоб эса маъно жиҳатдан контекстга мос тушмайди ва 'to erase' феъли билан бирга ишлатилмайди.

Q5 Ушбу тест топшириғига тўғри жавоб бериш учун сиз турли предлоглардан қандай фойдаланишни билишингиз керак бўлади.

a) муқобил жавоб – тўғри жавоб, чунки 'was hidden' ибораси ва 'ruins' сўзи биргалиқда келганда фақат 'under' сўзигина ишлатилиши мумкин. Қолган муқобил жавоблар эса фақат 'was hidden' ибораси ёки фақат 'ruins' сўзи алоҳида келганда ишлатилиши мумкин, улар бир жойда келганда бу муқобилларни ишлатиб бўлмайди. Шу сабабли b), c) ва d) муқобил жавоблар нотўғри.

#### 4.2.2. Хатоларни аниқлаш

Хатоларни аниқлаш топшириқларида сиздан матндаги кераксиз сўзларни аниқлаш ва уларни ҳар бир сатр охирида берилган жойларга ёзиш талаб қилинади. Матндаги ҳар бир сатрда фақат битта кераксиз сўз мавжуд бўлади ва фақат битта ёки иккита сатр хатосиз берилади. Ушбу топшириқ сизнинг грамматика ва лексика бўйича хатоларни аниқлаш қобилиятингизни баҳолашга мўлжалланган. Аввал келтирилган мисолга эътибор беринг. У сизга топшириқни қандай бажаришни тушуниб олишингизга ёрдам беради. Қисқа сатрлар ва матннинг энг сўнгги сатри топшириқ учун ишлатилмайди. Шунинг учун бу сатрлар охирида саволлар берилмайди.

**Read the text below. In most lines there is one word which is not needed. Write this word in the space provided after each line. 1-2 lines are correct. Put a tick (✓) on these lines. There are two examples at the beginning.**

#### Jazz in New Orleans

New Orleans is one of the most interesting cities in the U.S.  0

The French discovered it and in 1803 year Napoleon sold year 00

New Orleans to the U.S.

The interesting history of New Orleans who has influenced life \_\_\_\_\_ Q1

in this city. Jazz, a truly and American music, began here. Black \_\_\_\_\_ Q2

slaves were in the first people to perform jazz. Later, as free \_\_\_\_\_ Q3

- men, they began playing jazz on the streets in the southern \_\_\_\_\_ Q4  
 states. Famous jazz musicians, like the Jelly Roll Morton and \_\_\_\_\_ Q5  
 Louis Armstrong, were more natives of New Orleans. These \_\_\_\_\_ Q6  
 musicians helped make this music popular all over the world. \_\_\_\_\_ Q7  
 Today, on Bourbon Street in New Orleans, you can to hear \_\_\_\_\_ Q8  
 jazz in clubs and on the streets all day and all night.

### Изоҳ

- 0 Ушбу сатрда 'year' сўзи ортиқча, чунки инглиз тилида бу сўз санадан кейин келмайди. 'year' сўзи фақат 1803 санасидан олдин келиши мумкин, аммо матнда бу кузатилмайди.
- Q1 'who' сўзи фақат жонли жисмлар учун ишлатилади. Демак у 'history' сўзи билан ҳам ва 'New Orleans' ибораси билан ҳам бирга ишлатилмайди. Бундан ташқари гапда изоҳ бўлак келтирилмаган, шунинг учун бу гапда 'who' сўзига эҳтиёж йўқ.
- Q2 Инглиз тилида равиш сифат билан бирга келганда улар орасида ҳеч қандай сўз бўлмаслиги лозим. Ушбу гапда 'truly' сўзи (равиш) ва 'American' (сифат) сўзи ўртасига 'and' сўзи қўйилган. Шунинг учун 'and' сўзи бу сатрда ортиқча.
- Q3 Бу ерда 'in' предлоги гапдаги кесимни икки қисмга ажратиб қўйган, яъни у 'were' ва 'the first people' ўртасида келган. Бу эса гапнинг маъносиз бўлиб қолишига сабаб бўлган. Шунинг учун 'in' бу сатрда ортиқча.
- Q4 Бу сатрда хато йўқ. Шунинг учун сатр охиридаги бўш жойга ✓ белгисини қўйишингиз лозим.
- Q5 Артиклар кишилар исмлари олдидан ишлатилмайди. Jelly Roll Morton одамнинг исми: матнда бу одам 'famous Jazz musician' деб таърифланган. Шунинг учун бу сатрда 'the' артикли ортиқча.
- Q6 Бу ерда 'more' сўзи, 3-саволдаги сингари, гапдаги кесимни иккига бўлиб қўйган, яъни у 'were' ва 'natives' сўзлари ўртасида келган. Натижада гап ўз маъносини йўқотган. Шунинг учун 'more' сўзи бу сатрда ортиқча.

- Q7 Бу сатрда хато йўқ. Шунинг учун сатр охиридаги бўш жойга ✓ белгисини қўйишингиз лозим.
- Q8 Инглиз тилида 'can' ва 'must' каби модал феъллардан кейин 'to' билан келган инфинитив ишлатилмайди. Шунинг учун матндаги қуйидаги гапда 'to' сўзи ортиқча: 'Today, on Bourbon Street in New Orleans, you can to hear.....'

### 4.2.3. Сўз ясаш

Сўз ясаш топшириқларида сиз қавс ичида берилган сўзларни контекстга грамматик жиҳатдан мос келтириш учун ўзгартиришингиз ва уни бўш жойга ёзишингиз керак бўлади. Бу топшириқ сизнинг инглиз тилини қўллай олиш қобилиятингизни баҳолайди. Хусусан, бу топшириқ орқали сизнинг лексика ва грамматик бирликларни ишлатиш дан куникмангиз синалади. Сўзларни ёзишда орфографик хатоларга йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Жавобингиз тўғри деб тан олиниси учун ёзган сўзингизда ҳеч қандай орфографик хато бўлмаслиги шарт.

**Read the text below. Some words are missing from the text. Change the words in the brackets to complete each gap in the text. Write only one word on each line. There is an example at the beginning (0).**

Can you imagine getting up in the morning without a coffee for breakfast? Coffee is probably the world's (0) favourite (favour) drink, but most of us never give it a second thought. How much do we know about coffee?

The Turks (Q1) \_\_\_\_\_ (give) us the word coffee and the Italians provided us with the words espresso and cappuccino, but Finland is the (Q2) \_\_\_\_\_ (big) coffee-drinking country in the world. Coffee (Q3) \_\_\_\_\_ (original) came from Ethiopia, but Colombia and Brazil are now the most important coffee \_\_\_\_\_ (Q4) \_\_\_\_\_ (produce) countries. There are more than 100 different \_\_\_\_\_ (Q5) \_\_\_\_\_ (variety) of coffee beans. Jamaican Blue Mountain is said to have the best taste.

### Изоҳ

- 0 'drink' сўзи (от) олдига сифат керак бўлади. 'favour' сўздан иккита сифат ясаш мумкин: 'favourite' and 'favourable'. Аммо

- men, they began playing jazz on the streets in the southern \_\_\_\_\_ Q4  
 states. Famous jazz musicians, like the Jelly Roll Morton and \_\_\_\_\_ Q5  
 Louis Armstrong, were more natives of New Orleans. These \_\_\_\_\_ Q6  
 musicians helped make this music popular all over the world. \_\_\_\_\_ Q7  
 Today, on Bourbon Street in New Orleans, you can to hear \_\_\_\_\_ Q8  
 jazz in clubs and on the streets all day and all night.

### Изоҳ

- 0 Ушбу сатрда 'year' сўзи ортиқча, чунки инглиз тилида бу сўз санадан кейин келмайди. 'year' сўзи фақат 1803 санасидан олдин келиши мумкин, аммо матнда бу кузатилмайди.
- Q1 'who' сўзи фақат жонли жисмлар учун ишлатилади. Демак у 'history' сўзи билан ҳам ва 'New Orleans' ибораси билан ҳам бирга ишлатилмайди. Бундан ташқари гапда изоҳ бўлак келтирилмаган, шунинг учун бу гапда 'who' сўзига эҳтиёж йўқ.
- Q2 Инглиз тилида равиш сифат билан бирга келганда улар орасида ҳеч қандай сўз бўлмаслиги лозим. Ушбу гапда 'truly' сўзи (равиш) ва 'American' (сифат) сўзи ўртасига 'and' сўзи қўйилган. Шунинг учун 'and' сўзи бу сатрда ортиқча.
- Q3 Бу ерда 'in' предлоги гапдаги кесимни икки қисмга ажратиб қўйган, яъни у 'were' ва 'the first people' ўртасида келган. Бу эса гапнинг маъносиз бўлиб қолишига сабаб бўлган. Шунинг учун 'in' бу сатрда ортиқча.
- Q4 Бу сатрда хато йўқ. Шунинг учун сатр охиридаги бўш жойга ✓ белгисини қўйишингиз лозим.
- Q5 Артиклар кишилар исмлари олдидан ишлатилмайди. Jelly Roll Morton одамнинг исми: матнда бу одам 'famous Jazz musician' деб таърифланган. Шунинг учун бу сатрда 'the' артикли ортиқча.
- Q6 Бу ерда 'more' сўзи, 3-саволдаги сингари, гапдаги кесимни иккига бўлиб қўйган, яъни у 'were' ва 'natives' сўзлари ўртасида келган. Натижада гап ўз маъносини йўқотган. Шунинг учун 'more' сўзи бу сатрда ортиқча.

- Q7 Бу сатрда хато йўқ. Шунинг учун сатр охиридаги бўш жойга ✓ белгисини қўйишингиз лозим.
- Q8 Инглиз тилида 'can' ва 'must' каби модал феъллардан кейин 'to' билан келган инфинитив ишлатилмайди. Шунинг учун матндаги қуйидаги гапда 'to' сўзи ортиқча: 'Today, on Bourbon Street in New Orleans, you can to hear.....'

### 4.2.3. Сўз яшаш

Сўз яшаш топшириқларида сиз қавс ичида берилган сўзларни контекстга грамматик жиҳатдан мос келтириш учун ўзгартиришингиз ва уни бўш жойга ёзишингиз керак бўлади. Бу топшириқ сизнинг инглиз тилини қўллаш олиш қобилиятингизни баҳолайди. Хусусан, бу топшириқ орқали сизнинг лексика ва грамматик бирликларни ишлатиш дан куникмангиз синалади. Сўзларни ёзишда орфографик хатоларга йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Жавобингиз тўғри деб тан олиниши учун ёзган сўзингизда ҳеч қандай орфографик хато бўлмаслиги шарт.

**Read the text below. Some words are missing from the text. Change the words in the brackets to complete each gap in the text. Write only one word on each line. There is an example at the beginning (0).**

Can you imagine getting up in the morning without a coffee for breakfast? Coffee is probably the world's (0) favourite (favour) drink, but most of us never give it a second thought. How much do we know about coffee?

The Turks (Q1) \_\_\_\_\_ (give) us the word coffee and the Italians provided us with the words espresso and cappuccino, but Finland is the (Q2) \_\_\_\_\_ (big) coffee-drinking country in the world. Coffee (Q3) \_\_\_\_\_ (original) came from Ethiopia, but Colombia and Brazil are now the most important coffee (Q4) \_\_\_\_\_ (produce) countries. There are more than 100 different (Q5) \_\_\_\_\_ (variety) of coffee beans. Jamaican Blue Mountain is said to have the best taste.

### Изоҳ

- 0 'drink' сўзи (от) олдида сифат керак бўлади. 'favour' сўздан иккита сифат яшаш мумкин: 'favourite' and 'favourable'. Аммо

бу икки сифатдан фақат биттаси маъно жиҳатдан контекстга мос келади ва бу сўз 'favourite' дир. Шунинг учун тўғри жавоб – 'favourite' бўлади. Бу сўзнинг америкача кўриниши ҳам тўғри жавоб сифатида қабул қилинаверади, яъни 'favorite' сўзи.

- Q1 'The Turks ..... world' гапининг биринчи қисми ўтган замонда, 'provided' сўзи буни кўрсатиб турибди. Шу сабабли 'give' феъли ҳам ўтган замонда бўлиши керак. Шунинг учун тўғри жавоб 'gave' бўлади.
- Q2 Контекстга асосан 'the' аниқ артиклидан кейин сифатнинг орттирма даражаси керак бўлади. Шунинг учун 'biggest' – тўғри жавоб.
- Q3 Матндаги 'came' сўзидан олдин фақатгина равиш келиши мумкин. 'Original' сўзининг равиш формаси эса 'originally' бўлади.
- Q4 Бу ерда бизга 'coffee' ва 'countries' сўзларини бир-бири билан боғлай оладиган сўз керак бўлади. 'Product', 'production' ва 'productive' сўзларини бу ерда ишлатиб бўлмайди, чунки бу сўзлар юқоридаги икки сўзнинг фақат биттаси билан ишлатилиши мумкин. Кофе ишлаб чиқарувчи мамлакатлар эса инглиз тилида 'coffee producing countries' деб аталади. Шунинг учун тўғри жавоб – 'producing'.
- Q5 Матндаги '100 different ..... of coffee beans' ибораси отнинг кўпликдаги шаклини талаб қилади. Шунинг учун бу ерда бизга 'variety' сўзининг кўпликдаги шакли – 'varieties' сўзи керак бўлади.

#### 4.2.4 Матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш

Бу турдаги топшириқда сиздан матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш талаб қилинади. Бу топшириқ сизнинг инглиз тилини қўллаш олиш қобилиятингизни баҳолайди. Хусусан, бу топшириқ орқали сизнинг грамматик бирликларни ишлатишингиз ва луғат бойлигини билишингиз синалади. Қуйида келтирилган мисолда матндаги ҳар бир бўш жойни жадвалда берилган [a-h] муқобил жавоблардан фойдаланган ҳолда тўлдиришингиз керак бўлади.

Аввал матннинг умумий ғоясини тушуниб олиш учун уни диққат билан ўқиб чиқинг. Кейин эса контекстга асосан ҳар бир бўш жойга қайси муқобил жавоб тўғри келишини аниқланг. Битта муқобил жавобни икки марта ишлатиш мумкин эмас.

**Read the text and complete the gaps with the words from the box. There are more words than you need. There is an example at the beginning (0).**

a) acting	b) box	c) in	d) much
e) of	f) ever	g) successful	h) the

#### James Bond

The James Bond movies are the longest-running, highest grossing film series in history. Current turnover is (0) f \$6 billion. In fact, the combined earnings (Q1) \_\_\_\_\_ the Star Wars and Star Trek series and the most (Q2) \_\_\_\_\_ single film ever, Gone with the Wind, still fall \$750 million short of Bond at the (Q3) \_\_\_\_\_ office.

In addition, Bond is (Q4) \_\_\_\_\_ most profitable film series ever. The special effects may cost (Q5) \_\_\_\_\_ more these days, but the films still enjoy 30% profit margins. Even Stephen Spielberg's blockbusters ET, Jurassic Park and the Indiana Jones trilogy can't compete.

#### Изоҳ

- 0 Матн контексти 'is' сўзидан кейин предлог келишини талаб қилади. Жадвалда учта предлог берилган. Аммо бу ерда булардан фақат биттасини жавоб сифатида қабул қилиш мумкин, яъни 'over' предлогини. Чунки 'more than' (...дан кўп) маъносини беради. Шунинг учун тўғри жавоб – f).
- Q1 Матндаги 'combined earnings' ибораси 'Star Wars and Star Trek series' иборасига тегишли бўлганлиги учун улар ўртасига предлог керак бўлади. Жадвалда иккита: 'of' ва 'in' предлоглари берилган. Булардан 'of' предлоги контекстга ҳам грамматик, ҳам маъно жиҳатдан мос келади. Шу сабабли тўғри жавоб – e).

- Q2 Матндаги 'the most' иборасидан кейин контекст бўйича сифат келиши керак. Жадвалда эса фақат битта сифат мавжуд – 'successful'. Тўғри жавоб – g).
- Q3 Матндаги 'office' сўзи сифат, сифатдош ёки от билан ишлатилиши мумкин. Жадвалдаги 'successful' (сифат) ва 'acting' (сифатдош) сўзлари контекстга маъно жиҳатдан мос тушмайди. Демак жавоб бўлиши мумкин бўлган фақат битта муқобил қолмоқда. Бу ҳам бўлса 'box'. Шу сабабли тўғри жавоб – b).
- Q4 Матндаги 'most profitable' ибораси 'profitable' сифатининг орттирма даражаси кўринишида келган. Шу сабабли қоида бўйича бу ибора олдидан аниқ артикль ('the') келиши керак. Демак, тўғри жавоб – h).
- Q5 Жадвалдаги муқобиллар орасидан матндаги 'more' сўзига грамматик жиҳатдан мос келадиган ягона сўз бу 'much' сўзидир. Шу сабабли тўғри жавоб – d).

#### 4.2.5 Матндаги бўш жойларни тўлдириш

Ушбу топшириқ турида матндаги бўш жойларга грамматик ва маъно жиҳатдан мос келувчи сўзларни ўзингиз топиб қўйишингиз талаб қилинади. Бу топшириқ ҳам сизнинг инглиз тилини қўллай олиш қобилиятингизни баҳолайди. Хусусан, бу топшириқ орқали сизнинг грамматик бирликларни ишлатишингиз ва луғат бойлигини билишингиз синалади. Аввал матннинг умумий ғоясини тушуниб олиш учун уни диққат билан ўқиб чиқинг. Сўнг эса ҳар бир бўш қолдирилган жойга контекст жиҳатдан қандай сўз мос келиши ҳақида фикр юритинг. Контекстга қандай сўз маъно жиҳатдан мос келиши ҳақида қарор қабул қилишдан аввал ўша сўзнинг қайси сўз туркумига тегишли эканлиги, унинг грамматик вазифаси ва сўз шаклига эътибор қаратишингиз лозим.

**Read the text below. Some words are missing from the text. Use only one word to complete each gap. There is an example at the beginning (0).**

#### Reality TV

The first reality TV show in the world was called Expedition Robinson. It was shown (0) in Sweden in 1997. Half the population of the

country watched the final part and a new kind of TV (Q1) \_\_\_\_\_ was born. Two years later in Holland, the first part of Big Brothers (Q2) \_\_\_\_\_ filmed. Again, it was a fantastic success and (Q3) \_\_\_\_\_ final programme was watched by 15 million people. There are now more (Q4) \_\_\_\_\_ 20 countries around the world which have Big Brothers or Survivor (Expedition Robinson) on their screens. The ordinary people who take part (Q5) \_\_\_\_\_ the programmes are known by millions (Q6) \_\_\_\_\_ people in their own countries. Reality TV has become big, big business.

#### Изоҳ

- 0 Матн контекстига асосан 'Sweden' сўзидан олдин предлог келиши керак. Биринчи 'reality TV' шоуси қаерда қўйилганлигини кўрсатиш учун бизга жой предлоги (preposition of place) керак бўлади. Ушбу контекстда 'in' предлогидан жойни кўрсатиш учун фойдаланиш мумкин. Шунинг учун тўғри жавоб 'in' бўлади.
- Q1 Матннинг биринчи сатрида келтирилган маълумот орқали "Expedition Robinson"нинг телевизион дастур эканлигини билиб олишимиз мумкин. Иккинчи сатр эса ушбу дастурнинг охириги қисмини мамлакатнинг ярим аҳолиси кўрганлиги ҳақида маълумот беради. Шунга асосан матндаги 'a new kind of TV' иборасидан кейин 'TV' сўзи билан ишлатилиши мумкин бўлган биронта сўз керак бўлади, яъни 'programme', 'show' ёки 'series'. Ушбу сўзлардан ҳар қайсиси тўғри жавоб сифатида қабул қилиниши мумкин. 'Programme' сўзининг америкача кўриниши [program] ҳам тўғри жавоб сифатида қабул қилинади.
- Q2 Ушбу гапда феъл пассив шаклда келган. Шунинг учун 'filmed' сўзи олдидаги бўш жойни тўлдириш учун 'to be' ёрдамчи феъли керак бўлади. Матндаги 'Two years later' ибораси воқеа ёки ҳодисанинг ўтган замонда содир бўлганлигини билдиради ва 'the first part of Big Brothers' ибораси эса учинчи шахс бирликда турибди. Шуларга асосан тўғри жавоб 'was' бўлади.
- Q3 Ушбу гап ундан олдинги гапда айтиб ўтилган 'Big Brothers' телевизион дастури тўғрисида қўшимча маълумот беради. Телевизион дастурнинг охириги қисми [final programme] фақат битта бўлишини инobatга оладиган бўлсак бу ерда бизга аниқ артикль керак бўлади. Шунинг учун тўғри жавоб 'the' бўлади.

Q4 Ушбу гаптадаги маълумотга кўра 'Big Brothers' ёки 'Survivor' дастурларини намойиш этувчи мамлакатларнинг сони 20тадан ортиқ. Шунинг учун 'more ..... 20 countries' солиштирма иборасининг иккала қисмини бир-бири билан боғлаш учун бизга 'than' предлоги керак бўлади.

Q5 'Take part' ибораси бирон-бир нарсада иштирок этиш деган маънони англатади ва ундан кейин қоида бўйича 'in' предлоги қўйилиши керак. Шунинг учун тўғри жавоб 'in' бўлади.

Q6 'Hundreds', 'thousands' ва 'millions' каби катта рақамлар ҳақида сўз юритилганда, рақам билан отни бир-бирига боғлаш учун 'of' предлоги ишлатилади. Шунга асосан тўғри жавоб 'of' бўлади.

### 4.3 Жавоблар

#### 4.3.1 Муқобил жавобли тест топшириқлари

Tutankhamen: Q1 c ; Q2 d ; Q3 b ; Q4 c ; Q5 a

#### 4.3.2 Хатоларни аниқлаш

Jazz in New Orleans:

Q1 who; Q2 and Q3 in Q4 √; Q5 the; Q6 more; Q7 √ ; Q8 to

#### 4.3.3 Сўз ясаш

Coffee break:

Q1 gave; Q2 biggest; Q3 originally; Q4 produced; Q5 varieties

#### 4.3.4 Матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш

James Bond: Q1e; Q2g; Q3b; Q4h; Q5d

#### 4.3.5 Матндаги бўш жойларни тўлдириш

Reality TV:

Q1 program(me)/show/series; Q2 was; Q3 the; Q4 than; Q5 in; Q6 of

## 5 Тест топшириқлари апробацияси

Апробациялар бутун Ўзбекистон бўйича умумий ўрта мактаб, коллеж ва лицейларнинг битирувчи синфларида ўқиётган ўқувчилар орасида ўтказилди. Уларнинг кўпчилиги олий таълим муассасасига кириш учун тестнинг инглиз тили бўлимини топширишга тайёргарлик кўраётган ўқувчилар эди.

### 5.1 Мақсад

Апробацияларни ўтказишдан мақсад қуйидагилардан иборат эди:

- лойиҳа томонидан ишлаб чиқилган тест топшириқларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни муқобил жавобли тест топшириқлари, хатоларни аниқлаш, сўз тузиш, матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш ва матндаги бўш жойларни тўлдириш каби самарали ва замонавий тест турлари билан таништириш
- амалдаги муқобил жавобли тест топшириқларининг ўзгартирилган, яъни 4 та муқобилли [a, b, c ва d], шаклини синаб кўриш
- ишлаб чиқилган тест топшириқларининг валидлиги ва ишончлилигини аниқлаш
- умумий ўрта мактаб, коллеж ва лицейлардаги битирувчи синф ўқувчиларининг янги тестлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш

### 5.2 Апробациялар кўлами

Шу пайтгача тўртта апробация ўтказилди: биринчиси 2005 йилнинг февраль ойида, иккинчиси 2005 йилнинг май ойида, учинчиси 2005 йилнинг октябрь ойида ва тўртинчиси 2006 йилнинг январ ойида. Февраль ойида бўлиб ўтган апробацияда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги умумий ўрта мактаб, коллеж ва лицейларда ўқиётган 226 та ўқувчи қатнашди. Май ойида ўтказилган апробацияда эса Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги умумий ўрта мактаб, коллеж ва лицейларда таълим олаётган 240 та ўқувчи қатнашди. Октябр ойидаги апробация Тошкент шаҳрида ўтказилди ва унда умумий ўрта мактаб ва коллежлардан 201 та ўқувчи қатнашди. Тўртинчи апробацияда Самарқанд, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари, Бухоро ва Қўқон шаҳарларида умумий ўрта мактаб ва лицейларда ўқиётган 220 та

ўқувчи қатнашди. Бешинчи апробация 2006 йил апрел ойига режалаштирилган ва у Ўзбекистоннинг қолган ҳудудларини қамраб олади.

Объектив, ишончли ва репрезентатив маълумотларни тўплаш мақсадида, апробацияда қатнашган ўқувчиларнинг ҳар хил аҳоли (популяция) гуруҳлари вакилларида бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинди: яъни қатнашчилар қишлоқ ва шаҳар жойларидан ҳамда ўзбек ва рус мактабларидан жалб қилинди, қизлар ва ўғил болаларнинг нуфуси деярли тенглаштирилди.

Ушбу апробацияда фойдаланилган тестлар ва сўровномалар натижалари таҳлил қилинди ва зарур ҳолларда топшириқ шартлари ва тест саволларига маълум ўзгартиришлар киритилди.

Апробациялар кейинги икки йил ичида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги мактаб, коллеж ва лицейларида узлуксиз ўтказилиб борилади.

### **5.3 Ўқувчилардан олинган маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар**

Ҳар бир апробация охирида ўқувчилардан махсус сўровномани тўлдириб бериш илтимос қилинди. Сўровнома қуйида келтирилган мавзулардаги саволлардан иборат эди:

- ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларининг қайси мутахассисликларига ўқишга кирмоқчи эканликлари
- тест топшириқларига жавоб бериш учун ажратилган вақтнинг етарли бўлганлиги ёки бўлмаганлиги
- матнларнинг ҳажми (узунлиги)
- матнларнинг қийинлик даражаси
- апробацияда фойдаланилган тест турлари
- матнларнинг қай даражада қизиқарли бўлганлиги
- ўқувчиларнинг тестлар ҳақидаги умумий фикрлари
- ўқувчиларнинг тестларга қандай ўзгартиришлар киритилишини хоҳлашлари

#### **5.3.1 Мутахассисликлар**

Шу пайтгача апробацияларда иштирок этган 661 нафар ўқувчидан камида 75%и кириш тестлари таркибида инглиз тили бўлими мавжуд бўлган мутахассисликларга ҳужжат топширмоқчи эканликларини

билдиришган. Бу кўрсаткич апробацияларнинг тегишли ўқувчилар контингенти (гуруҳи) орасида ўтказилганлигини билдиради. Демак апробациялардан олинган статистик натижаларга етарли даражадаги ишонч билан қараш мумкин.

#### **5.3.2 Апробацияда қатнашганларнинг жинси**

Апробацияда қатнашган йигит ва қизларнинг нисбати деярли бир хил бўлган, яъни унда иштирок этганларнинг деярли ярми қизлар ва қолган ярми йигитлардан иборат бўлган.

#### **5.3.3 Тестга ажратилган вақт**

Ўқувчиларнинг ярмидан то учдан иккигача бўлган қисми ўқиб тушуниш тестларини бажариш учун ажратилган вақтнинг етарли бўлганлигини билдиришган. Уларнинг учдан иккидан то тўртдан учгача бўлган қисми эса худди шу фикрни инглиз тилини қўллай олиш тестларига нисбатан билдиришган. Бу шуни билдирадики, ўқувчиларнинг тахминан 25% дан 33% гача бўлган қисмига тестнинг иккала бўлими учун ажратилган вақт етарли бўлмаган. Бунинг асосий сабаби - ўқувчиларнинг апробацияда ишлатилган баъзи тест турлари ва топшириқ шартлари билан яхши таниш эмасликларидир. Уйлаймизки, янги тест турлари ва топшириқ шартлари кенг ўқувчилар оммасига таниш бўлиб кетганидан кейин ушбу фоиз анчага камайди.

#### **5.3.4 Матнлар**

##### **Ҳажми**

Ўқувчиларнинг камида учдан икки қисми ўқиб тушуниш тестларида ишлатилган матнларнинг узун ҳам эмаслигини ва қисқа ҳам эмаслигини билдиришган. Уларнинг тахминан 75 фоизи худди шу фикрни инглиз тилини қўллай олиш тестларига нисбатан билдиришган.

##### **Қийинлик даражаси**

Матнларнинг қийин ёки қийин эмаслиги борасидаги фикрларини билдиришда ўқувчилар иккита тенг гуруҳга ажралдилар: уларнинг тахминан 40 фоизи матнларнинг қийин бўлганлигини эътироф этишган ва яна 40 фоизи матнларнинг осон бўлганлигини билдиришган. Бу кўрсаткич ўқиб тушуниш тестига ҳам, инглиз тилини қўллай олиш тестига ҳам бир хилда тааллуқлидир. Юқорида айтилганидек, тест структураси кенг ўқувчилар оммасига таниш бўлиб

кетганидан кейин матнларни қийин деб топувчи ўқувчилар нисбати анчага камаяди.

### Қизиқарлилик даражаси

Ўқувчиларнинг 50 фоизи ўқиб тушуниш ва инглиз тилини қўллаш олиш тестларида ишлатилган матнларнинг қизиқарли эканлигини эътироф этишган, уларнинг 28 фоизи эса ушбу матнларни қизиқарли эмас деб ҳисоблашган.

### 5.3.5 Тест турлари

**Ўқиб тушуниш** тестлари апробацияси шуни кўрсатдики, ўқувчилар учун муқобил жавобли тест топшириқларини бажариш қуйидаги тест турларини бажаришга нисбатан камроқ қийинчилик туғдирган: қисқа жавобни кўзда тутувчи саволлар, солиштириш топшириқлари, гапни тўлдириш топшириқлари ва жадвални тўлдириш топшириқлари.

**Инглиз тилини қўллаш олиш** тестлари апробациясида ҳам ўқувчилар муқобил жавобли тест топшириқларининг қийинлик даражасини бошқа турдаги тестлардан кўра пастроқ эканлигини билдиришган. Қийинлик даражасининг ўсиб бориши кетма-кетлигида қолган тест турларини қуйидагича тартибда жойлаштириш мумкин: матндаги бўш жойларни жадвалда келтирилган муқобиллардан фойдаланиб тўлдириш топшириқлари, матндаги бўш жойларни тўлдириш топшириқлари, хатоларни аниқлаш топшириқлари ва сўз тузиш топшириқлари.

Ўрта мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг чет тиллари билан боғлиқ амалдаги тестларда бундай турлардаги топшириқларга дуч келмаганлигини инобатга оладиган бўлсак юқоридаги натижаларни албатта тушунса бўлади. Аммо сўровнома орқали ўқувчиларнинг тестларга нисбатан айтган фикр ва мулоҳазалари ҳам эътиборга моликдир (5.3.6 га қаранг).

### 5.3.6 Тест ҳақида умумий фикр

Умуман олганда апробацияларда қатнашган ўқувчилар учун янги тестлар амалдаги кириш имтиҳонларидаги тестларга нисбатан қийинроқ туюлди. Аммо, бундан ташқари, ўқувчилар тестларда ишлатилган матнларнинг жуда қизиқарли ва маълумотларга бой эканлигини ва бу уларнинг нафақат инглиз тили бўйича билимларини, балки умумий билимларини ҳам оширганлигини эътироф этишди.

Натижалар шуни кўрсатдики, тахминан 75% ўқувчилар тестдаги саволлар китобини, жавоблар варақасини ва тестнинг ўтказилишини жуда яхши баҳолаганлар. Аммо улар топшириқ шартларидан унчалик қониқмаганлар. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бунга кўплаб ўқувчиларнинг баъзи тест турлари билан таниш бўлмаганликлари сабаб бўлган. Ушбу натижаларни инобатга олган ҳолда лойиҳа гуруҳи томонидан топшириқ шартлари қайта кўриб чиқилди ва соддалаштирилди. Натижада уларда ўқувчилардан нималар талаб қилинишига аниқлик киритилди.

Ўқувчиларнинг учдан икки қисми инглиз тили бўйича билимларини баҳолаш воситаси сифатида ушбу тестлардан қониққанликларини билдиришган. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги янги тестларнинг инглиз тили бўйича билимни баҳолаш борасида амалдаги кириш имтиҳонларидаги тестларга қараганда ишончлироқ эканлигини эътироф этишган.

Қуйида ўқувчилар томонидан тест ҳақида билдирилган умумий фикр ва мулоҳазалардан баъзилари келтирилди:

- Матнлар жуда яхши, тушунарли, унчалик қийин бўлмаган тилда ёзилган. Энг яхши томони шундан иборатки, улар кишини фикрлашга ундайди. [Қарши шаҳри]
- Тестлар одатдан ташқари даражада қизиқарли. Матнлар турли-туман маълумотларга бой бўлган хикоялардан иборат. Ҳар бир матндан ўзим учун жуда кўп фойдали нарсалар олдим. [Гулистон шаҳри]
- Ушбу тестлар жуда яхши тузилган деб ўйлайман. Уларга ўзгартириш киритишга эҳтиёж йўқ. Шу каби тестларда кўпроқ иштирок этсам дейман. [Тошкент шаҳри]
- Тест сал ғалатиروқ ва қийин, чунки ундаги тестлар янги усулда тузилган [Тошкент вилояти]
- Ушбу тестларнинг мураккаб бўлишини, мавзуларнинг кенгроқ ва дунёвий масалалардан иборат бўлишини хоҳлардим [Тошкент шаҳри]
- Ўқиб тушуниш тестларини осон деб ўйлардим, аммо кутганимдан қийинроқ бўлиб чиқди. Мен кўпроқ ўқишим

кераклигини ва тестлар ечиб туришим кераклигини билиб олдим. Билимим ҳали етарли эмас экан [Фарғона вилояти]

- Менга савол тузиш\* ва хатоларни аниқлаш топшириқлари ёқди, аммо замонлар мавзусидаги тестлар кам экан. Менимча бу масалага кўпроқ эътибор қаратилиши лозим [Тошкент шаҳри]
- Менимча кириш тестларида “Ахборотнома”даги тест саволларидек тестлар олинса яхши бўлар эди. Бу тестлардаги баъзи шартлар тушунарсиз ва қийин (масалан: жадвал тўлдириш). Уқувчига тушунарли, аниқ ва содда шартли тестлар бўлиши керак (масалан: Ахборотномадаги тестлар сингари) [Фарғона вилояти]
- Тестлар жуда қизиқарли, озгина қийин экан, аммо, ўйлайманки, ўртача билимга эга ўқувчи уларни бажара олади [Тошкент шаҳри]
- Умуман олганда тест унча қийин бўлмади. Аммо мен унга тайёр эмас эдим, чунки оддий тест саволларига тайёргарлик кўриб келганман [Тошкент шаҳри]
- Ўйлайманки, бу тест янги нарсаларни ўрганиш ва инглиз тили грамматикаси бўйича билимни ошириш йўлидаги ажойиб қадамдир [Тошкент шаҳри]
- Тестнинг тузилиши ва ўтказилиши менга жуда ёқди. Ушбу тестларга ўхшаган тестлардан кўпроқ бўлишини хоҳлардим. У айниқса университетларга кириб ўқишни хоҳловчилар учун фойдалидир [Қарши шаҳри]

\*савол тузиш бўйича намунавий топшириқлар ушбу Қўлланманинг иккинчи нашрига киритилади.

### 5.3.7 Таклиф этилган ўзгартиришлар

Сўровномаларга жавоб берган ўқувчилар тестларга кенгрок мавзулардаги матнлар танланишини таклиф этишди. Булар қуйидагилар:

- мамлакатлар тарихи, тарих, таниқли тарихий шахслар
- шаҳарлар
- олимлар

- география
- спорт
- адабиёт
- Буюк Британия ҳаёти ва ёшлари
- медицина
- Ўзбекистон ҳақида матнлар
- математика ва физика
- кулгили ва қизиқарли ҳикоялар

### 6. Ўқиб тушуниш ва инглиз тилини қўллай олиш тестларига оид адабиётлар

Ушбу Қўлланмада муҳокама қилинган инглиз тилини қўллаш кўникмаларини эгаллаш бўйича машқлар ва тест турларининг кўпларини Ўзбекистондаги ўрта мактаблар учун чоп этилган замонавий дарсликлардан топиш мумкин. Масалан:

- *English Matters, Student's Book 8* – U. Lee, N. Tsarikova, N. Zakirov, A. Tennant, Macmillan Education 2002
- *English Matters, Student's Book 9* – N.G. Gogolitsina, A. Tsakanyan, A. Tennant, Macmillan Education 2002
- *Fly High English Student's Book 8* - L. Juraev, M. Abdullaeva, H. Tuhtarova, S. Khan et al. Oxford University Press, 2002
- *Fly High English Student's Book 9* - L. Juraev, M. Abdullaeva, H. Tuhtarova, S. Khan et al. Oxford University Press, 2002

Бундан ташқари:

- *Wordwise – Study skills in English for higher education students in Uzbekistan.* M. Seviour, Sharq Publishing House, 1997
- *Headway, Pre-Intermediate.* John & Liz Soars, Oxford University Press, 2000
- *Headway, Intermediate.* John & Liz Soars, Oxford University Press, 2000
- *Rising Star, Intermediate.* L. Prodromou with P. Kerr & G. Vassilakis, Macmillan Education 2001

- *Rising Star, Upper Intermediate*. L. Prodromou with P. Kerr & G. Vassilakis, Macmillan Education 2001
- *Intermediate Language Practice with key*. M. Vince with P. Emerson. Macmillan Education 2003
- *F.C.E. Language Practice*. M. Vince with P. Emerson. Macmillan Education 2003.
- *English Grammar in Use: Pre-Intermediate*. R. Murphy. Cambridge University Press. 2001
- *English Grammar in Use: Intermediate*. R. Murphy. Cambridge University Press. 2001

## 1-илова. Атама ва тушунчалар

- **апробация:** Ҳар бир янги ишлаб чиқилган тест топшириғи махсус синовдан ўтказилиши лозим. Бу синов апробация деб аталади ва у тестнинг валидлиги (лаёқатлилиги) ва ишончилигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ушбу синов натижаларига асосан зарур ҳолларда тестларга ўзгартиришлар киритилади. Апробация келажакда шу тестни топшириши муқаррар бўлган мўлжалдаги муайян аҳоли (популяция) вакиллари орасида ўтказилиши шарт. (қуйидаги **апробация кўламига** қаранг)
- **апробация кўлами:** мўлжалдаги муайян аҳолининг (популяциянинг) қай даражада қамраб олинганлиги. Янги ишлаб чиқиладиган тестлар келажакда шу тестларни топширувчи аҳоли (популяция) вакиллари ўртасида синовдан ўтказилиши муҳимдир. Шу сабабли апробацияларда мана шу аҳоли (популяция) гуруҳидаги ўқувчиларни иложи борича тўлароқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилади.
- **асл матн:** муайян манбаъдан олинган ва асл нусхасига ҳеч қандай ўзгартиришлар киритилмаган (яъни соддалаштирилмаган) матн
- **валидлик (лаёқатлилики):** тестнинг кўзда тутилган қобилиятни баҳолаб бера олиши даражаси. Тест ўзи мақсад қилиб олган вазифани (масалан муайян фан бўйича ўқувчи билимини аниқлаш) қай даражада бажара олишини ифодаловчи тушунча.
- **ишончилики:** тест натижаларининг қай даражада ҳақиқатга яқинлигини ифодаловчи кўрсаткич. Масалан ўқувчининг муайян бир тестда қўлга киритган бали, бошқа куни худди шу тестга ўхшаш бўлган тестда қўлга киритган балига қанчалик яқин бўлса бу тестнинг ишончилики даражаси шунча юқори бўлади.
- **кўмаклашувчи маълумот:** матннинг умумий ғоясини ифодалашга кўмаклашувчи маълумот. Кўмаклашувчи маълумот умумий ғоянинг бир жиҳатигогина қаратилган бўлади. Бу билан у матннинг умумий ғоясига ўзига хос тасдиқловчи маъно киритиб туради, аммо матннинг умумий ғоясининг ўзида ифодаламайди.
- **матннинг умумий ғояси:** матн нима ҳақда эканлигини ифодалайди. Матн одатда битта умумий ғоя ва матн ҳажмига



Лойиҳа бўйича қўшимча  
маълумот учун қуйидаги шахсларга  
муурожаат қилишингиз мумкин:

**Абдурашид Солижонов**  
Лойиҳани мувофиқлаштирувчи  
Давлат тест маркази

Жахон Обидова кўчаси,  
12-уй. Тошкент  
Тел: 135 1914  
Факс: 134 7184  
[info@test.uz](mailto:info@test.uz)

**Гульноза Наджемидинова**  
Лойиҳа бошқарувчиси  
Британия Кенгаши

Миробод кўчаси, 11-уй  
Тошкент  
Тел: 140 0660/1/2  
Факс: 140 0667  
[information@britishcouncil.uz](mailto:information@britishcouncil.uz)